

Мен — Вольф Мессингман!

Мен бугун навбатдаги кечада ўз «Психологик тажрибалар» имин намойиш қилишим керак. Улкан залдаги мингга яқин одам олдига чиқишим зарур, уларнинг ҳаммаси менга қараб туради. Мен санъатимни кўрсатиб, ана шу кишиларни ром қилишим, ҳаяжонлантиришим, ҳайратга солишим лозим, ахир уларнинг ярмидан кўпи буни мўъжиза деб ҳисоблайди-да. Утирганларни ҳайратга солишгина эмас, шу билан бир вақтда бу тажрибаларда ҳеч қанақа мўъжизавийлик йўқлигига, буларнинг бари зинҳор-базинҳор «илоҳий», «ғайри табиий» кучлар аралашмаган ҳолда инсон психикасининг имкониятлари билан бўлаётганига ишонтиришим даркор.

Ишонмовчан, шубҳали, ҳатто айримлари ғаразли минглаб кўзлар сенга қадалиб турганда бир ўзингнинг залга чиқишинг унча осон иш эмас.

Мен бутун кучимни йигишим, бор қобилият, уқувимни босқончи мускулларидек ишга солишим шарт. Менинг меҳнатим босқончи ва дсигиз сайёҳи, инженер ва геолог меҳнатидан кам эмас. Бу меҳнат ўзини ҳаддан ташқари тута билишни, руҳан бақувват бўлишни, беқийёс йиғноқликни талаб қилади.

Учрашув ўтказиладиган кенг ва ҳали ҳеч кимса йўқ залга томоша бошланишидан аича бурун етиб келаман. Кейим ечиб қўйиладиган хонада икки-учта пальто осиглиқ туради. Уборшичалар зални йиғиштириб бўлишга ошиқади. Мен оҳиста артистлар хонасига ўтаман ва эшикни ёпиб оламан. Хонада ёлғиз бир ўзим бўлишим керак... Тажрибалар бошланиши олдидан кўпинча хонани тарк этиб, саҳнага чиқаман, пардадан бирор тешикни топиб залга разм соламан. Ҳали қаторлар орасида одамлар юришипти. Улар билетларига қараб-қараб, ўз жойларини қидиришмоқда. Узаро гаплашишмоқда. Бу гапларнинг кўпи ҳозир бошланадиган тажрибалар ва менга тааллуқли... Мана, йўлакдан назаримда турқи анча совуққина бир йигит ўтмоқда. Енида ёш, барно бир қиз. Йигит унга ишонч билан дейди:

— Жуда усталик билан қилинадиган алдамчилик... Эсингдами, Кио келгани. Ушанинг ҳам найрангини билолмаган эдик. Лекин у найрангбоз, иллюзионистлигини яширмаган эди. Мессинг ҳам ўшанга ўхшаганлардан...

Очигини айтсам, менга алам қилади. Ҳаётимда ҳеч қачон заррача бўлсин ёлгон гапирмаганман. Саҳна билан залда нима қилсам ҳаммаси одамларга кўриниб туради. Мен найрангбоз, учар-фирибгар эмасман, ҳатто эстрадада чиқишимга қарамай, артист ҳам эмасман. Жойингизга ўтиб ўтиринг, яхши йигит! Мабодо бугун сиз ўз фикрингизни ўзгартирсангиз, хурсанд бўламан...

Шундоқ ёнгинамда, портъерадан икки қадамча нарида
ичча ёшга бориб қолган бир киши сочи оқ, лекин, ҳали
ўзи гоёт чиройли аёл билан ўтирипти. Уша кишининг:

- Буларнинг бари худодан... Унинг амри-вожи билан
булади...— деган сўзларини эшитиш ҳам менга бир оз га-
лаги туюлди.

Ким бўлди экан бу? Шунчаки диндорми? Ёки бугунги
кечага келиш учун устидаги тақводорлик жуббаси (поп-
лар киядиган узун чопон)ни ечган руҳонийми?

Икки киши гаплашяпти. Чамаси, ёш физиклар. Фойеда,
бундан олдинроқ бошланган қизгин баҳс давом этмоқда:

— Аммо электромагнит спектри, ўта қаттиқ гамма-
пурлардан тортиб ўта олис радио тўлқинларгача, ҳар то-
монлама ўрганиб бўлинган. Унда бирон-бир соҳа қолма-
ганки, теленатик алоқани амалга ошириш мумкин бўлса...

— Паранормал алоқа-чи...

Ҳан терминда эмас...

Лекин бари бир, миядан мияга бевосита ахборот
узатиб беришга хизмат қилувчи моддий майдон йўқ...

Дўстим! Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўл-
сак, бундан бир ярим аср бурун узоқ масофаларга овоз
ва тасвир узатувчи моддий майдоннинг ўзи бўлмаган.
Ахир, электромагнит тўлқинлари Генрих Герц томонидан
1886 йилдагина кашф этилган-ку...

— Тўғри, сен ҳақсан... Мессинг билан бирга ишлан-
са жуда мароқли бўларди! Уни ерга туташ мис қафасга
ўтқазиб қўйилса, ўша ердан туриб ҳам киши фикрини
ўқий олармиди?

— Ақлли йигитлар-а! Мен бунақанги фахрли, «тажри-
ба қилинаётган қуён» ролини бажону дил қабул қилардим.
Ахир, тажрибаларимда электромагнит майдони қанчалик
роль ўйнашини билиш ўзимга ҳам қизиқ-да. Ёхуд, физик-
ларнинг ҳозирги мавжуд асбоблари қайд қилмайдиган, бел-
гиламайдиган майдоннинг янги хилларини излаб кўриш
керакми?..

Олифта кийиндаги иккита хоним ҳам шу тўғрида гап-лашарди:

— Вой ўргилай, бу чинакам жодугар! Худди граф Ка-лиостронинг ўзи! Мана кўрасиз! Унинг кўрсатадигани — кўлидаш келадиگانларнинг мингдан бири. У, чунончи, несталган ҳайвон тусига кириши, йўлбарс ё итга айланиши мумкин.

— Нега бўлмаса ит ёки йўлбарсга айланиб қолмайди?

— Бундай қилишни маи қилиб қўйишган. Ўзи ҳам тилхат берган!

Ҳа, ўзим ҳақимда баъзан шунақанги бемаъни гаплар эшитишга ҳам тўғри келади.

Яна бояги ёш йигитлар. Улар тўхташди:

— Ҳеч қанақанги мўъжиза йўқ, албатта... Бироқ киши-ни ҳайратлантирадиган қобилиятлар бор. Аниқроғи — ҳа-дан энд тараққий қилган қобилиятлар бор.

— Аммо уларни тушутириб бериш қийин!

— Ҳа, қийин. Хўш, тўққиз хонали сонни онгида кў-пайтириб, тақсимлаб, даражага кўтарадиган одамни кўр-ганишда буни қандай қилаётганини тушутириб бериш осонми? Зотан, биз инсон қобилиятлари тўғрисида нима-ни ҳам биламиз? Миллион хил тўсиқни енгиб космосга чиқдик, бу, аҳтимол, енгилроқ бўлган бўлса керак... Лекин шундай вақт келадик, одам ақли ўзида бор имкониятни тўла-тўкис билиб олади. Мессингнинг тажрибалари-чи? Ниҳоят, мазкур тажрибалар кишиларга табиатнинг бу но-дир сирлари эшигини очишга имкон берадиган калитлар-дан бири бўлиб қолса ажаб эмас.

Раҳмат сенга, биродар, шу сўзларинг учун! Бош усти-га сен билан бирга ўтириб суҳбат қурадим, ўзим тўғрим-да нимаики билсам, нимани ҳис этсам, ҳатто қиладиган гумон-тахминларимгача сенга айтиб берардим. Ахир, шу китобчани сен учун ёзганман, унда биронта ҳам ёлгон сўз, йўқ. У сенга инсон миясининг сир у асрорини очишда, балки ёрдам берар.

Бирок қўнғироқ ҳам чалиниб қолди. Мен орқага, бўш хонага қайтдим. Диққатимни бир жойга тўплаш учун ҳали яхшиёримда бир неча минут бор.

Кейин роса икки соат зўр-жиддий иш. Бу — ҳаётимда бир мушкул ва шу билан бирга энг саодатли дамлар. Ижод дамлари. Эҳтимол, тутқич бермаётган қофияни бирдан топиб қолган шоир ҳам, қирғоқ бўйида эсаётган шабадани тугиб полотнода абадийлаштирган рассом ҳам энг қийин ижод дақиқаларида ўзини шундай бахтиёр ҳис қилса керак.

Сўнгра ҳалиги бўм-бўш хонада мазза қилиб иссиқ ширин чой ичдим. Чунки тажрибалар ўтказадиган куним туз ҳам тотмайман; ҳалол ишлаб топган ана шу чойим менга ниҳоятда ширин туюлади. Мен чарчоқ ва қонқиш ҳисси сезамап. Мен одамларга қувонч бахш этдим, уларни ўйлашга, баҳсланишга мажбур қилдим. Энди дам олсам ҳам бўлади.

Одатда бундай чоқларда олдинга одамлар киришади, ташаккур нэхор этишади, саволлар, жуда кўп саволлар беришади. Бундай саволларни ўзи билан бирга олиб кетувчилар оз дейсизми! Ҳайҳот! Ҳамма-ҳаммаси билан гапириша олмайман. Аммо уларга ушбу саҳифаларни ўқиши ш тавсия этишим мумкин. Бу ерда ўқувчиларимни қизиқтирадиган барча парсалар қақида сўзлашга, ҳеч нимани яширмай ва бўйб кўрсатмай жавоб беришга ҳаракат қилдим.

Афсуски, барча саволларга ҳам бирдай етарлича жавоб бера олмайман. Агар кимда-ким шуларга жавоб қилса беҳад қувонардим. Чўзилиб кетган муқаддимада демоқчи бўлганларим ана шулар.

I

Б О Б

ЙИЛЛАР ВА УЧРАШУВЛАР

Мен янги аср арафаси — 1899 йил 10 сентябрда Россияда, тўғрироғи, Россия империяси территориясида, Варшавага яқин кичкина Гора-Калевария деган жойда дунёга келганман.

Яҳудийлар яшайдиган ана шу масканнинг зерикарли, бир парча нон учун кураш ва хурофотга тўла ҳаётини эндиликда тасаввур қилиш, шарҳлаш қийин. Зотан, бунини Шолом-Алейхем ўзининг ўлмас асарларида менамдан кўра яхшироқ зикр этган... Ўша замоннинг бу машҳур ёзувчиси қишлоғимиздан ўтиб кетаётган, хедеримизга тушганда бошқалардан тузукроқ ўқиётганим туфайли мени — тўққиз яшар ўқувчини мақтаниб унга кўрсатишганди. Шу учра-

шундан бошлаб, бу ажойиб одамни бир умр яхши кўриб қолганман. Унинг кўзойнак остидан диққат билан қараб туриши, калта, чўққи соқоли ва қуюқ мўйлаблари кўз олдимда. Шолом-Алейхем юзларимга эркалаб бир-икки уриб қўйиб, истиқболим порлоқ бўлажagini айтди. Йўқ, бу башират эмас эди. У шунчаки ҳар икки боланинг бирида бўлажак истеъдод эиёсини кўргуси келарди.

Хотирамда ўша йиллардан унчалик кўп нарса сақланиб қолмаган. Оиламиз истиқомат қилган кичкинагина ёғоч уй ёдимда. Отам доимо дов-дарахт, экин-тикинлар билан шуғулланган бўлса ҳам, лекин боғ ўзимизга қарашли бўлмаган. Опамнинг ёқимли нигоҳи, ака-укаларим билан ўйнаган ўйинларим эсимда.

Мен гоаят оғир шаронтда ўсдим. Опам шўрлик муваффақиятларимдан бирини эшитиб, помини такрорлаганича юраги ёрилиб ўлган. Отам, ака-укаларим, қаринодош-уруғларимнинг ҳаммаси фашистлар оккупацияси йилларида Майданек на Варшава геттосида ҳалок бўлишган. Менда на отам, на опам ва на ака-укаларимдан биронтасининг сурати сақланиб қолган...

Оиламиз художўй, ўта диндор бўлган. Барча диний ақидалар тўла-тўкис, қулоқ қоқмай бажариларди. Ота-опам назарида худо жиндай гуноҳни ҳам эътибордан четда қолдирмайдиган, қаҳри қаттиқ, талабчан, лекин ҳалол, адолатли эди.

Отам бизга у қадар меҳрибон ва мулоийм эмас эди. Мен опамнинг эркаловчан нозик бармоқлари билан отамнинг дағал, аёвсиз қўлларини яхши эслайман. Отам хоҳлаган боласининг адабини бериб қўйишдан тап тортмасди. Ҳар ҳолда унинг олдига ҳеч қайсимиз биров мени хафа қилди қабилида шикоят билан келолмасдик: ҳали сен ўзингни хафа қилдирадиган бўлдингми, деб, ўлган устига тепгандай, аёвсиз дўпосларди. Отам биздан атрофимизни қуршаб олган жирканч дунё чангалзорларида ўз-ўзини ҳимоя қила олувчи ваҳшийлар етишиб чиқишини истарди.

Олти ёшдалингимда мени хедерга беришди. У ерда ўқитиладиган асосий предмет биз кўр қоридек ёдлайдиган Талмуд эканини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Хотирам жуда ўткир бўлганидан бу бемаъни машгулотларни бошқалардан тузукроқ ўзлаштираддим. Мени мақташар, болаларга ўрнак қилиб кўрсатишарди. Ана шу қобилиятим Шолом-Алейхем билан биринчи бор учрашувимга сабаб бўлганди. Бироқ, ростини айтсам, хедерда ҳам, уйимизда ҳам ҳукмрон бўлган тақводорлик мени анча асабий қилиб қўйганди. Мен оллонинг борлигига гумон қилмасдим. У ҳамма нарсани кўриб туради ва билади, бирор нимада унинг чизган чизигидан чиқсам дарҳол менга жазо беради, деб ишонардим.

Художўйлингим ва хотирам яхшилигини ҳисобга олиб, раввин¹ мени руҳонийлар диний мактаби — иешиботга юборишга қарор қилди. Ота-онамда бу фикрга қарши бирон-бир эътироз бўлмади. Раввин айтдими, вассалом, шундай бўлиши керак! Аммо негадир фақат ўзим бу ишдан қувонмадим. Иешиботга боришдан қатъий бош тортдим. Липал мени юпатмоқчи бўлишди, кейин индамай қўйишди. Шу орада ҳаётимда илк бор мўъжиза рўй берди. Бунга кейинчалик анча вақтгача ишониб юрдим.

Отам бир куни папирос олиб келиш учун мени дўконга юборди. Кеч кириб, қош қорая бошлаган эди. Дарвозамиз олдига келганимда ҳаммаёқ зим-зиё қоронги. Шу пайт тасодифан зинапояда оқ кийимли баҳайбат гавда пайдо бўлди.

— Ўғлим!— деди у.— Олло таолодан келдим... Келажакнингдан дарак бермоқчиман! Иешиботга бор! Эгамга сенинг тоат-ибодатинг керак!..

Бу сўзлар асабий, мутасаввуф кайфияттаги болага қанчалик таъсир қилганини ҳозир айтиб бериш мушкул. Улар чақмоқ чақишига, момақалдиروқ зарбига ўхшарди. Қўр-

¹ Раввин — яҳудийлар руҳонийси.

дундан Устаним ёрилади, ҳушдан кетдим. Кўанмини очганимда
ганимда отам билан отам онов чиқариб дуо ўқиварди.
Уларнинг изтиробли юзлари кечагидек кўз ўнгимда. Ле-
кин Уанима келганим биланоқ, улар тишчланишиди-қўйиш-
ди Мен бўлган воқеани айтиб бердим. Отам ваҳимали
тарада бир йўғалиб олди-да:

Отам шуни истапти...— деди.

Отам индамади.

Мен юз берган воқсадан даҳшатга тушиб, ортиқ ўжар-
лик қилолмадим.

* * *

Ишибот бошқа қишлоқда эди, менинг уйдан ташқа-
ридаги ҳаётим ана шундан бошланди. Яна ўша Таалмул,
ўша-ўша тоат-ибодат. Ҳар кимларникида тамадди қилар,
намоз ўқиладиган уйда эса тунардим.

Шундай кетаверсам, балки мени раввин қилиб етишти-
ришар на маънавий уйғонишим анча кечикарди. Бироқ бир
тасодифий учрашув мени бундан халос қилди. Ибодатхо-
нада юрган дарвешлардан бирини — норғул, бўй-басти ке-
линигап эркакни овозидан таниб қолдим. Йўлагимизда ме-
ни олло таоло номидан динга хизмат қилишга ундаган
«осмон влчиси» худди шу эди.

Мен биринчи марта уни кўрганимда қанчалик титра-
ган бўлсам, бу гал ундан кам бўлмади!

Демак, отам шу муттаҳам билан очикдан-очик келишиб
олган; эҳтимол, шу «илоҳий» ролни ўйнагани учун унга
ҳақ ҳам бергандир? Демак, отам мени тўғридан-тўғри алда-
ган экан-да?! Ундай бўлса менга ўргатганларининг бари
ёлғон... Балки худо ҳам алдар?! Эҳтимол, у бутунлай йўқ-
дир? Йўқлиги турган гап, агар ҳамма иарсани билиб,
кўриб турадиган худо бўлса, бу ишларга йўл қўймасди.
Унинг номидан гапиришга ботинган бу нонинсофни дарров
ер билан яксон қиларди... Худо йўқ!.. Йўқ худо!.. Йўқ!..
Ана шу илиқ ёз оқшомидан бошлаб ўзимни даҳрий ҳи-

соблайман. Ҳозир ҳам бу фикрдан қайтганим йўқ ва қайт-майман.

Ишиботда яшашга ортиқ аҳтиёж қолмади. Мен энди ўша чоқларда ҳаётдан безган одамлар қиладиган ишга жазм этдим: камзулимнинг узун этакларини шартта кесиб ташлаб кўчага чиқдим ва бошим оққан томонга жўнадим.

Лекин шу орада уч жиной ишга йўл қўйдим. Булар ҳаётимдаги биринчи ва сўнгги жиноятлар бўлди. Биринчиси ҳатто жиноят ҳам эмас, шаккоклик, холос. Мен барча хўрланган, таҳқирланганларнинг азалий сўзи: «Мана сизга бўлмаса...» тахлитида иш тутиб, диндор яҳудийлар ўз ҳалол пулларини «Фаластинга» атаб соладиган кружкани ерга уриб синдирдим ва ундаги танга-чақаларни чўнтагимга солдим. Ўз ихтиёримга хилоф иш қилдим, аммо буни совуққонлик ва мақсад билан қилдим. Уғирлаш ва алдашни дин эмас, балки ўз виждонимиз рад этишини ҳали билмасдим.

Кружкадан олинган пул унча кўп бўлмай, атиги тўққиз тийин чиқди... Ана шу сармоя билан номаълум ёқларга жўнадим. Аввало, ўз яқинимиздаги темир йўл станциясига йўл олдим. Йўлда роса қорним очди. Шундай қилиб, айни кечанинг ўзида иккинчи марта жиной иш қилдим, яъни далада эгасидан бесўроқ картошка ковлаб олиб, гулхан қўрида пишириб едим.

Мана, станцияга ҳам етиб келдим. Биринчи дуч келган поезднинг бўшроқ вагонига кирдим. Кейин билсам, поезд Берлинга кетаётган экан. Билетим йўқ. Скамейка тагига кириб (ҳаётимда бу учинчи ва энг сўнгги жиноят), қотиб ухлаб қолибман.

Аммо бу билан иш битгани йўқ. Нимадан қўрққан бўлсам, шу ҳол юз берди: вагонга контролёр кириб қолди ва уйқудаги пассажирларни уйғотиб, билетларини текшира бошлади.

— Йигитча,— унинг овози ҳанузгача қулогимда янграмоқда,— сенинг билетинг...

Гани бўлдим, ниҳоят даражада қўрқдим. Секин қўлимни қўлиб, ерда ётган қандайдир бир қоғозни, чамаси газетани парчасини олдим. Бир-биримизга тикилиб қолдик. Мен бутун нуҳудим билан контролёрнинг шу бир парча қоғозини билас деб ўйлашини истардим. Контролёр қоғозни қўлига олди-да, галати қилиб айлантириб кўрди. Мен гужанак бўлиб олдим. Бояги истакда ҳамон ёнардим. У газета парчасини компостёрнинг жағи орасига тиқдида, «шиқ» этиб босди. Кейин «билет»ни менга узатаётиб:

Нега билетинг бўлсаям, тахта тагидан кегяпсан?
Чик!— деди.— Икки соатдан кейин Берлинда бўламиз...

Шундай қилиб, менда қутилмаганда фикран ишонтирини қобилияти намоён бўлди.

* * *

Берлин... Аича кейинроқ мен бу ўзига хос, сал хафалик шайларни яхши кўриб қолгапман. Дастлаб борганимда у ўзининг катталиги, одамнинг кўпчилиги ва кишига нисбатан ўта бепарволиги билан мени ҳайратда қолдирган эди. Драгунистрасседа камбағал яҳудийлар тўхтаб ўтишини эшитиб, шу кўчани қидириб топдим.

Мусофирхонага югурдак бўлиб ишга кирдим. Буюмлар, пакетларни ташир, идиш-товоқларни ювар, оёқ кийимларни тозалардим. Ўша вақтлар машаққатли болалигимнинг энг қийин дамлари бўлса ажаб эмас. Бир куни менга пакет бериб, шаҳар яқинидаги бир жойга юборишди. Нақ Берлиндаги тош кўчалардан бирида очликдан беҳуш бўлиб йиқилибман. Касалхонага келтиришпти. Томирим урмас, баданим муздай, нафас олмасмишман. Бу ҳол ҳеч кимни ҳаяжонга солмапти, ташвишлантирмапти. Мени ўликхонага ташлашпти. Бир студент менинг юрагим сезилар-сезилмас даражада бўлса ҳам ураётганини айтмаса, олиб чиқиб умумий мазорда дафн этиб юборишлари ҳам ҳеч ган эмас экан.

Касалхонанинг психиатр-невропатологи профессор Абель учинчи куни мени ҳушимга келтиришти. Мен унинг қуюқ бакенбардли тўла юзини ва ўтқир, зийрак кўзларини яхши эслайман.

Абель кам қонлилиқ, қолдан тойиш ва асабийланиш натижасида юзага келган летаргик ҳолатда бўлганлигимни тушунтирди. Мен ундан фақат ҳаётимни сақлаб қолгани учунгина эмас, балки қобилиятим борлигини айтгани ва уни камолотга етказгани учун ҳам миннатдорман. Менда ўз организмимни тўла бошқара олиш хусусияти мавжудлиги уни жуда ҳайратга солди. У мени ўз-ўзимга қатъий ишонишга ўргатди, ўзимга истаган нарсани буйруқ қила оlishимни уқдирди. Ана ўшандан бери бор кучимни тўплаб, доимо «Мен — Вольф Мессингман!» деб такрорлайман.

Абель ўз ҳамкасби, профессор-психиатр Шмидт билан бирга таъсир қилишга доир тажрибалар ўтказгани ёдимда. Шмидтнинг хотини менга фикрий буйруқ берар, мен эса уни бажарардим. Гарчанд бу аёлнишг исмини билмасам-да, менга биринчи бўлиб индукторлик¹ қилган одам ўша бўлди.

Назаримда, ана шу кунлардап — Абель жилмайиб қўйган дамдан бошлаб, ҳаёт ҳам менга жилмая бошлади. Профессор мени биринчи импрессариоим билан таништирди. Кўпчилигимизга бу сўз таниш бўлмаса керак. Импрессарио — бу хусусий иш соҳибни бўлиб, бирон-бир йирик артистнинг хизматга доир барча ишларини расмий бошқарадиган киши. У шартномалар тузади, рекламалар, саёҳатлар уюштиради. Аслини олганда, кўпчилик импрессариолар ўз васийлигидаги кишилар талантини уятсизларча, очиқдан-очиқ сотадилар. Менинг импрессариоларим доимо мендан кўра анча кўп пул ишлашарди.

¹ Психологик тажриба ўтказишда фикран буйруқ берадиган воқиячи шахс.

Биринчи импрессарионим Цальмейстер жанабларди ҳам бошқалардан сира фарқ қилмасди. У менни Берлин паноптикумига оғди. Ҳар жума кунни эрталаб паноптикум дарвозаси очилгушга қадар мен билалур тобутга ётардим ва ўшимни каталептик ҳолатга солардим.



Паноптикум — мутлақо ўшига хос, ҳозир ҳеч мумкин бўлмайдиган «томошахона»дир. Унда жонли экспонатлар намойиш қилинарди. Биринчи марта у ерга кириб қолганимда қўрқиб кетганман. Бир хонада қовургаси ёпишиб тутилган қўшалоқ опа-сингиллар турарди. Қизлар ёнларидан ўтувчи йиғитларга гоҳо ҳазил гаплар айтишарди. Бошқи бир хонада ярим белигача қиляланғоч, узун қуюқ соқоли семиз хотин турарди. Томошабинлардан баъзиларига аёлининг соқоли табиий эканини ушлаб-текшириб кўришга ҳам рухсат этиларди. Учинчи хонада қўлсиз бир кишини трусикда ўтирарди. У оёқлари ёрдамида картани осошгина чийлай олар, улашар, қозоғга махорка солиб усталик билан папирос ўрар, гугурт чақар ва чека олар эди. Тўртинчи павильонда эса ҳафтанинг уч кунни мобайнида чала ўлик бўлиб «мўъжизавий бола»— Вольф Мессинг ётарди.

Паноптикумда мен ярим йилдан кўпроқ ишладим. Демак, умримнинг уч ойга яқинини ялтироқ совуқ тобутда ўтказдим. Бунинг эвазига менга бир кеча-кундузга 5 марка тўлашарди. Доим очин-тўқин юришга ўрганиб қолган одам учун бу беҳад катта пул кўринарди. Менинг олифга



импрессариоим эса бунинг учун паноптикум кассасидан кунига 30 маркадан ҳақ оларди...

* * *

Ҳафтанинг қолган тўрт кунда ўзимда намоён бўлган қобилиятни машқ қилишни давом эттирдим. Берлин бозорларига бориб туришга қизиқиб қолдим.

Мен приёмникнинг ручкасини бураб янги-янги станцияларни эшитгандек, дўкон пештахталарини ёқалаб юриб, немис деҳқон аёлларининг уйда қолган хўжалик борасидаги содда, секин оқувчан ўйларини, эрга чиқиб бахтсиз бўлган қизишнинг тақдир ҳақидаги, маҳсулот пархи тўғрисидаги фикрларини «эшитиб борар» эдим... Бироқ менга бу фикр ва ўйларни эшитиб эмас, уларни қанчалик тўғри қабул этаётганимни синаб кўриш муҳимроқ эди. Мен прилавкага яқин бориб, битгасининг кўзига тикилиб:

— Ташвиш тортманг... Бу ҳақда ўйламанг. Ҳаммаси яхши бўлади,— дедим.

Унинг ҳайратомуз хитоби янглишмаётганимни билдирди. Бундай машқлар билан икки йилдан кўпроқ шуғулландим.

Кўп ўтмай импрессарио мени Винтергартеннинг Қишлоқ Богига пуллаб юборди. Мен у ерда фақир родини ўйнадим. Кўкрагимга нина санчишганида оғриқни сезмасликка ўзимни мажбур қилардим... Бўйнимга нина тикиб, у томонидан чиқазिशарди...

Охирида саҳнага миллионер аристократ кийимини кийиб олган артист чиқарди. Эгинда ялтироқ фрак, бошида цилиндр, бармоқлари узукларга тўла, бриллиант тугмалар... Бирдан саҳнада қароқчилар пайдо бўларди. Улар

милашонерни «ўлдиришарди», қимматбаҳо нарсаларни эса
улардан олиб чиқиб кетмай, пасталган жойга бекитиб қўйиш-
ни тараб, томошабинларга тарқатишарди.

Кеинги йил изқувар Вольф Мессинг пайдо бўларди. У
стождан столга ўтиб, гўзал хоним ва муҳтарам жаноблар-
дан у е бў жойга яшириб қўйилган нарсани олиб беришни
сўрарди. Бу помер ҳар доим ҳаммага ёқиб тушарди. Аммо
сўнгасига оладиган иш ҳақим бояги-бояги 5 маркадан ош-
масди...

Ҳиним ўн бешга етганда импрессарио мени тагин сотди.
Бу сафар ўша даврнинг машҳур Буш циркига пуллади.
Писоният учун машъум 1914 йил. Жаҳон уруши бошлан-
ди. Мен у вақтда кўп нарсани тушунмасдим. Ростини
айтсам, ҳозир ўйлашимча, Цельмейстер жаноблари мени
кўрётгага улкан ҳаётдан ажратиб олиб, диққат-эйтибо-
ринини фақат пул топишга қаратган эди. Лекин у бунга
ҳамма вақт ҳам муваффақ бўлавермасди. Мен кам ўқига-
ним, оз нарса билишимни тушунардим. Берлинда муал-
лимларникига қатнар ва таълим олардим. Бир суткага ола-
диган беш маркамдан уларга ҳақ тўлардим...

Аста-секин ҳаммага танилиб, шуҳрат қозона бошладим.
Импрессариоим Цельмейстер жаноблари ҳам борган сари
кўзга кўриниб, юзлари юмалоқлашмоқда, унча катта бўл-
маган қорни келишган қоматини бузмоқда эди. 1915 йили
у мени биринчи турне — саёҳатга, Венага олиб борди. «Ой-
дин парк»да томоша кўрсатишга тўғри келди. Барчанинг
эйтиборини ўзимга жалб этиб, «мавсумнинг гули» бўлдим
десам муболага бўлмас.

Шу ерда — Венада Альберт Эйнштейн билан илк бор
учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Мен у вақтда Эйнштейн
нима ихтиро қилганини билмасдим, аммо номини анча
бурун эшитгандим. Мен учун у «атоқли физик» эди.

Олимнинг уйда мени биринчи галда китобларнинг ни-
ҳоятда кўплиги ҳайрон қолдирди. Ҳамма хоналар китоб
билан тўла. Кабинетда мени икки киши қарши олди. Булар-

дап бири мезбон — Эйнштейн, иккинчиси — ўша замоннинг машҳур врач ва психологи австриялик Зигмунд Фрейд эди Мен уни танирдим. Фрейд дарҳол тажрибага киришишни таклиф этди ва менга нидукторлик қила бошлади.

Унинг фикрий буйруғи ҳанузгача эсимда: пардоз сўлига яқин бориш, мўйчинакни олиб Эйнштейннинг олдига келиш ва... унинг қалин мўйлови орасидан учта толасини юлиб олиш керак. Мўйчинакни олиб улуг олимнинг олдига келдим ва кечирим сўраб, дўсти мендан нима хоҳлаётганини айтдим. Эйнштейн бир жилмайиб қўйди-да, менга юзини тутди...

* * *

Орадап яна икки йил ўтди. Цельмейстер жаноблари бир куни олис сафарга чиқишимизни айтди. Унинг сафар йўли бутун ер куррасини ўз ичига олгудек эди. Биз шу тўрт йил ичида Япония, Бразилия, Аргентинада бўлдик. Таассуротлар ҳаддан ташқари кўп ва хилма-хилки, каллада бир-бирига гал бермай, аралаш-қуралаш бўлиб кетган.


1921 йилда Варшавага қайтдим. Ер куррасининг бешка ўлкаларида кезиб юрган вақтимда Европада талай ўзгаришлар рўй берипти. Россияда Улуг Революция тўлқини жўш уради. Бу портлаш ёлқини жаҳонни янгича ёритди, инсониятнинг бутун келажagini олдиндан аниқлаб берди. Европанинг қайта тузилган картасида панлар Польшаси пайдо бўлди. Мен тугилган жой шу мамлакат территориясида бўлиб чиқди.

Юртимга қайтгач, Речь Посполита армиясида хизмат қилишга тўғри келди, шу вақт ёшим йигирма иккида эди. Айтгандай, Польша армиясидаги бу хизмат номигагина хизмат эди, холос. Бунинг учун солдат шинелида юрган

бир пена ой мобайишда қўлимда биронта ҳам отилади-ган қуроҳ олмаганимни эслагани киёфон.

1922 йилги ҳарбий шинелини сирашимдан кейин қошимда ичиги импрессарио — Кобак жаноблари ҳозир бўлди. У ишнинг кўзини биладиган ишчи тоифадаги одам эди: ишга онд гаиларнинг асосий қисмини, у ёқ-бу ёққа ҳадеб бориб-келавермай, телефон орқали битирарди.

Энди кўплаб саёҳатга чиқадиган бўлдим. Дастлаб Европа бўйлаб саёҳат қилдим Париж, Лондон, Берлин, Рим, Стокгольм, Рига, Женевда бўлдим... Уз томоша программани турлантиришга ва кенгайтиришга ҳаракат қилдим. Рига кўчаларидан автомобиль ҳайдаб ўтганим эсимда. Кўзим қора рўмол билан боғлиқ, қўлларим рулда, оёқларим эса педалда эди. Автомобилни ёшимда ўтирган эгаси — моҳир ҳайдовчи менинг қўл ва оёқларим ёрдамида бошқарарди. Турган гап, у менга фикран буйруқ берарди... Гарчи бу тажриба минглаб ригаликларнинг кўзи олдида





реклама мақсадида ўтказилган бўлса-да, мен уни фахр билан тилга оламан. Чунки иккинчи дафъа бунақа тажриба ўтказмадим. Шунгача ва шундан кейин ҳам автомобилни бошқарганим йўқ.

Биз Австралия, Осиё ва Жанубий Америка мамлакатаарида бўлдик. Хилма-хил учрашувлар ҳақида гапирар эканман, 1927 йилда Хиндистоннинг атоқли сиёсий арбоби, мамлакатнинг миллий мустақиллиги учун толмас курашчи Ганди билан бўлган учрашувни хотирламай ўтолмайман. Гандининг дунёқарашида, менинг тасавурипча, қадимги ҳинд философияси, толстойчилик ва турли-туман социалистик таълимотларнинг баъзи бир масалалари ажойиб тарада бир-бири билан чатишиб кетарди. У, қуроли қўзғолон ва умуман куч ишлатишнинг ашаддий душмани эди.

Ганди менда жуда катта таассурот қолдирди. Мен унинг гоят оддий кийимлари, эл қатори ейдиган овқати ва одамлар билан бўлган муомаласидаги соддаликни яхши эслайман.

Ганди менга индукторлик қилди. У берадиган топшириқ содда: столдан найни олиб учинчи кишига узатиш эди. Учинчи киши найни чалиши билан нозик куй садолари ҳавони тутар, шу пайт ҳалиги кишининг оёқлари олдида турган шишага ўхшаш оғзи тешик сават ичидан кул ранг-тарғил илон чиқиб кела бошларди. Унинг ҳаракати найчи чалаётган куйга ҳамоҳанг эди. Бу аниқлик ва жезибадорликда инсон рақсидан қолишмайдиган роставкам санъат эди...

Ҳиндистонда бўла туриб, йоғларни ўз кўзим билан кўришдек бахтли имкониятни қўлдан бермадим, албатта.

Таштотун мениң орқасида ўз танасини моҳирона бошқара олган, уни турли ҳолатга сола билгич чинакамига ажойиб санади! Бир неча кун ва ҳатто ҳафталаб давом қилувчи чинакамидек ҳолатга тушишни айниқса қизиқиб кузатишим. Ушунини бундай ҳолатда уч кундан ортиқ тутиб турамайдим.

* * *

Польшада менга кўпинча оилавий ишларни яхши йўлга бўйиши, қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаганларни қидириб топиши каби турли характердаги шахсий катимослар билан муносабат этишарди. Мен бу ишларда ҳамма вақт виждоним буюрганга қулоқ солдим: олдимга келувчи киши бой ё камбағалми, жамиятда юксак ўрин тутадими ёки йўқми, бундан қатъи назар, ҳаммаша ҳақиқат томонида турдим, одамларга яхшилик қилишга интилдим. Бу ўринда айрим воқеалар ҳақида айтиб ўтмасам тўғри бўлмас деб ўйлайман.

Бу воқеалардан бири Чарторийскийлар деб аталадиган графларнинг кўҳна қасридаги тасодиф билан боғлиқдир. Бу панлар Польшасидаги энг бой ва машҳур оила эди. Граф Чарторийскийнинг ўзи сеймда анча таъсирли киши бўлган. Ана шу оилада наслдан-насла мерос бўлиб келаётган қимматбаҳо буюм — бриллиант тўгноғич йўқолади. Тўгноғич, уни билган заргарларнинг баҳосича, ақл бовар қилмайдиган даражада қиммат — 800 минг злотий¹ дан арзон эмас эди. Уни қидириб топиш йўлидаги уринишларнинг бари бефойда бўлиб чиқди. Таклиф қилинган хусусий айғоқчилар ҳам иш чиқара олмади.

Граф Чарторийский ўз самолётида олдимга учиб келди, — мен у пайтда Краковда томоша кўрсатардим, — бўл-

¹ Злотий — Польша пулининг номи.

ган воқеани айтиб бериб, мендан ёрдам сўради. Эртаси куни биз Варшавага учдик ва бир неча соатдан сўнг унинг қасрига етиб бордик.

Шуни айтишим керакки, менинг ўша вақтдаги ташқи қиёфам артистларникига жуда ўхшарди: кўкиштов-қора, қуюқ, жингалак сочим елкамгача тушар, юзларим рангсиз, оқиш эди. Эгнимда накидкали қора костюм, бошимда шляпа. Қасрда граф ўзи билан бирга рассом олиб келганини ҳаммага маълум қилди.

Мен эрталабдан «натура» танлашга киришдим. Қасрнинг барча хизматчилари ва малайлари олдимдан бирма-бир ўтишди. Бу одамларнинг ҳаммаси ўзича ҳалол ва тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Қаср эгасининг оиласи билан ҳам танишдим, ўғри улар орасида ҳам йўқ эди. Фақат бир одам тўғрисида аниқ бир нима дея олмадим. Мен унинг фикрларининг эмас, ҳатто кайфиятини ҳам сира сезмасдим. Бу одам қасрда кўпдан бери ишлаётган хизматкорлардан бирининг ўн бир ёшлар чамасидаги ақли заифроқ боласи эди. У, бу ерда тўла эркинликка эга бўлиб, хоҳлаган хонага кира оларди. Бола бирорта ёмон иш қилиб шубҳага тушмагани учун, одамлар унга эътибор ҳам беришмасди.

Мен турли-туман ўйинчоқларга тўла болалар хонасида у билан яккама-якка қолиб, ўзимни гўё блокнотга бирор парсанинг расмини чизаётгандек қилиб кўрсатдим. Кейин киссамдан тилла соатимни чиқариб ҳавода силкитиб ўйнатганимча стол устига қўйдим ва хонадан чиқиб, қузата бошладим.

Кутганимдек, бола столдаги соатим олдига келди, менга ўхшаб занжиридан ушлаганича ҳавода силкитди ва оғзига тиқиб кўрди... Шу тахлитда ярим соатдан кўпроқ ўйнади. Сўнгра бурчакда турган каттакон айиқ тулупи (қўғирчоқ) олдига борди ва жуда ғалати бир эпчиллик билан унинг бошига тирмашиб чиқди. Сал ўтмай, тилла соатим боланинг қўлларида охириги бор ярақлаб кўринди-

да, айиқнинг кенг очилган оғзига тушиб ғойиб бўлди...
Ҳа мен ишланмаган эдим. У беозор ўғри. Мана буниси
оша ушини гуяг шериги — ўғирланган буюмларини асровчи...

Ўрчакдан айиқнинг қорнини ёришга тўғри келди.
Уни оширанини қилган «хирурглар» қўлига, уларни ҳайрат-
да қолдириб, бир талай нарсалар— гилла суви югурти-
рилган чой қошиқлар, арча безаклари, турли рангдаги
ишда синиқлари илашиб чиқди. Булар ичида графнинг
наслудан наслга ўтаётган ноёб тўғноғичи ҳам бор эди.

Келишув бўйича, топилган буюмлар нархининг тўртдан
бирини граф менга бериши керак эди. Бу тахминан 250
минг злотий бўларди, чунки бахтсиз «қоп»дан топилаган
нарсаларнинг умумий қиммати бир миллион злотийдан
ошиқроқ чиқди. Мен бу пулни олишдан воз кечдим,
лекин графдан Польша ҳукумати яқинда қабул қилган
иқудийлар ҳуқуқини камситувчи қарорни бекор қилиш
учун сеймда ўз таъсирини ўтказишни илтимос қилдим.
Ўрчакдан тўғноғич соҳиби бунга кўнди. Икки ҳафтадан
кейин қопун бекор қилинди.

Бошқа бир ҳодиса анча тасодифий юз берди. Кички-
нагина поляк қишлоғига битта «америкалик бойвачча»
келипти. У «энг яхши уйлар»да кутиб олинипти, ўн олти
ишар чиройли қизга хуштор бўлиб, қўлига бриллиант
узук тақипти, қиздан хотинликка рози бўлишини сўра-
пти. Таклиф бажону дил қабул қилинганини айтмасак
ҳам бўлади. «Америкалик бойвачча» панлар Польшаси-
да гўзал шаҳзода сингари афсонавий шахс ҳисобла-
нарди...

« Бу жойга мен гастролга келиб қолдим. Қизнинг ота-
онаси менинг олдимга маслаҳат сўраб келишди. Илгари
олисдан бир марта кўзим тушган у йигитнинг нимасидир
менга ёқмасди. Уни томоша кўрсагадиган жойимга олиб
келишларини сўрадим. Йигит келди. Узини ҳаёсизлар-
ча тутди. Луқма ташлаб турди, талгайиб ўтирди. Унга
бир сапол билан мурожаат қилганимда ўрнидан туриб,

залдан чиқиб кетишга тушди... Бироқ менга кўп нарса
ойдин бўлиб қолган эди.

— Чўнтагини текшириб кўринглар!...— бақирдим одам-
ларга.

— «Америкалик»нинг қаршилик кўрсатишига қарамай,
уни тўхтатишди. Бир чўнтагидан ҳар хил фамилияга ёзил-
ган, лекин сурати бир хил бир неча паспорт топиб олиш-
ди. Паспортлар нуқул бўйдоқларники эди. Иккинчи чўн-
тагидан бирталай шарм-ҳаёсиз суратлар чиқди. Шунинг
ўзи етарли эди. «Америкалик»ни қамоққа олишди.
У турли мамлакатлардан Аргентина фоҳишахоналарига
гўзал-гўзал қизлар етказиб турувчи шайка аъзоси
экан.

Китобхон «натпикертонлик» сал кам иккинчи касбинга
айланиб қопти, деб ўйлаб юрмасин. Мен ҳеч қачон на
полиция, на хусусий ёки давлат органларининг тинтув
ишларида қатнашганман Нимаики қилган бўлсам, ўзим-
ча таваккалга қилганман.

Эвоҳ! Телеспатия соҳасига ҳам аламли рақобат орала-
май қоламади. Саҳнада эканимда «ҳамкасбларим» неча бор
мени обрўсизлаантирмоқчи бўлишган! Бир кун меҳмонхо-
надалигимда хонамга ёш ва чиройли бир қиз кирди. Шунинг
айтишим керакки, бир ўзим ёки импрессионим билан юрт-
ма-юрт кезиб юрганимда, реклама талабига кўра, барча
меҳмонхоиналардан энг яхши номерларини олардим. Бу са-
фар номернинг дабдабали хонаси тепса тебранмас, беғам
Кобак жойлашган хоналардан деярли алоҳида, четда эди.
Хонамга кирган аёлни кўздан кечириб нимага келганини
дарров пайқадим... Мулозамат билан ирғиб ўрнимдан
турдим:

— Утиринг, пани! Бунақа дилбар меҳмонлар телеспат
хужрасига камдан-кам киради... Улар келганда ўзимни
жуда бахтиёр ҳис этаман... Фақат, кечиринг, мен бир
зумга ташқарига чиқиб, у-буни буюриб келай...

Коридорга чиқдим, Кобак ҳузур қилиб сигара чекарди.

Полицияга югур! Учта одам олиб, изингга қайт.
Кабониетинга кирмай, эшикнинг тепа ойнасидан қараб ту-
ришлар... Тезрақ!

Кабониетга қайтдим. Яна хушомад сўзларини ёғдира
бошладим. Билардимки, ёрдам етиб келгунча уни беш-
саккиз минут ушлаб туришим керак...

Панҳонг, меҳмоним иш бошлаётганини сездим:

...Сиз ажойиб ишларни ихтиёр этасиз.. Лекин бил-
шганим, мен нимани ўйлаяпман...

Пани хоним, мен саҳнада эмасман-ку... Турмушда
мен бошичалардек оддий одамман... Бир нарсанигина айти-
шим мумкин: шунақа гўзал, бокира мияда фақат гўзал
фикрлар бўлиши мумкин.

Мен сизнинг ўйнашингиз бўлмоқчиман. Тезликда...
Ўзингизроқ...

Бирдан кўйимларини юлқиб, йирта бошлади. Кейин
доромга ташланиб, уни очди-да:

Ёрдам беринг! Зўрлаяпти!..— деб қичқирди. Мен
қўл силқидим, эшик очилиб, полиция кирди. «Пани» қа-
моқда олинди...

* * *

Мен латифа айтаётганим йўқ. Ҳаётимнинг капиталист-
тик мамлакатларда кечган биринчи ярмидаги чинакам во-
қеаларни ҳикоя қиляпман. Китобхоналарим «эркин ташаб-
бус» дунёси қандайлигини билиб олишсин. Бироқ у дунё
ондан хайрлашиш керак. Гарчи кейинги бобларда ўша давр
воқеаларига бир неча бор қайтсам-да, энди қандай қилиб
СССР гражданлигига ўтганим тўғрисида сўзлаш пайти
келди.

Ўтин-тирноғигача қуроланган немис армияси 1939
йил 1 сентябрда панлар Польшаси чегараларидан ёпири-
либ ўтганида мен немислар босиб олган территорияда қо-
лишим мумкин эмаслигини билар эдим. Бошим учун
200 000 марка ваъда қилинганди. Чунки мен 1937 йил-
даёқ мишглаб халойиқ ҳозир бўлган Варшава театрларидан

бирида томоша кўрсатганимда агар Гитлер Шарққа томон юриш қилса, муқаррар ҳалок бўлади,— деган эдим. Фашистлар фюрери бунақанги башоратлар ва умуман ҳар қандай мистика таъсирига тез берилувчан эди. Унинг ҳузурда Ганусен деган «олдиндан кўра билувчи» ўз кишиси бўлгани ҳам бежиз эмас. Мен шу кишининг ишини ўз кўзим билан кўрганман.

Ганусен ҳақида гап кетгани учун, бир-икки оғиз айтиб берай. У ҳақиқатан ҳам фикрни ўқиш қобилиятига эга эди. Ганусен мен билган ноёб телепатлардан ҳисобланарди. У билан 1931 йилда танишганман. Чакки ишлармасди. Аммо алдаш йўлига ҳам ўтарди: дастлабки икки номерни ўзи қўйган кишилар билан ўтказарди.

1933—1934 йилларда Гитлер Ганусени, гарчи у чинакам яҳудий бўлса ҳам, ўзига яқинлаштирди. Унинг бобоси яҳудийлар ибодатхонаси — синагоганинг оқсоқоли бўлиб ишларди. Ганусен фашист аристократияси юқори донраларида айланшиб юриб, ютуқ устига ютуққа эришгани сари билши лозим бўлмаган нарсаларгача аралашиб борди. Германиядаги маълум донралар фюрерга «ҳақиқатни айтиб», у ё бу маслаҳатни бериб туриш учун ундан фойдаланарди. Ганусеннинг бу катта сиёсий ўйинда ғоят қўрқинчли шахс экани билиниб қолгач, уни осонгина йўқотишди:

Урмонга олиб бориб, отиб ташлашди. Унинг тақдири Фейхтвангернинг «Ака-ука Лаутензак» номли романида етарлича аниқ ва тўла-тўқис баён қилинган.

Фашист босқинчилари Польшани ишғол этиб турган кунларда мен ўз туғилган еримда — отамникида истиқомат қилардим. Бу жойдан Варшавага қараб қочишга муваффақ бўлдим. Гўшт сотувчининг ертўласида бир неча кун бекниб ётдим.

Бир кун кечки пайт кўчага чиққанимда тутиб олишди. Мен тўхтатган офицер юзларимга узоқ тикилиб турди-да, чўнтагидан расмий туширилган бир парча қоғозни олди.

Гитлерчилар мени топганларга мукофот бериш ҳақида бутун Варшавага афиша ёпиштириб ташлаганини билдим.

Сен кимсан?— сўради офицер, елкамгача тушган ушун сочларимдан тортаркан.

Рассомман...

Алдаясан. Сен Вольф Мессингсан! Фрюреримиз ҳилокатини башорат қилган сенсан!..

У чап қўли билан сочларимдан ушлаганича, бир қадам орқага тисарилди. Кейин жағимга қараб бир туширди. Бу бориб турган жаллоднинг зарбаси эди. Олтига тишимни қон аралаш туфлаб ташладим...

Полиция участкасининг карцерида ўтирар эканман, шу нарсага амин бўлдимки, ё ҳозир қочиб қутуламан, ёки ҳалок бўламан. Зўр бериб бутун кучимни ишга солдим ва участка биносигадаги барча полициячиларни, чунончи полиция бошлиғидан тортиб дарвозада турган солдатгача ҳаммасини камерамда тўпланишга мажбур қилдим. Улар инсонга бўйсуниб камерада тўпланишганда, мен қимир олмай ўликдай ётардим. Сўнгра иргиб ўрнимдан турдим-да коридорга отилдим. Бир зумда, ҳали улар эс-ҳушини йиғиб олмай туриб, темир қопланган эшик тамбасини сурдим. Энди шошилиш керак эди...

Мени Варшавадан пичан ортилган аравада олиб чиқилди. Мен фақат Шарққа қараб юришим зарурлигини билардим, холос. Улуғ ва ўша вақтда менга нотаниш диёрга, бутун ер шарига фашизм ўлати ёйилишини фақат бир ўзи тўхтата олиши мумкин бўлган мамлакатга (мен бунга ишонардим) кетишим керак эди. Бахтимга ёнимда пулим бор эди, аймай сарф қилавердим. Проводниклар мени фақат келасан олиб кетишарди.

Ишхоят, зим-зиё ноябрь тунида кўз ўнгимда Фарбий Бугнинг совуқ тўлқинлари хира жилваланиб кўринди. Олдинда Совет Иттифоқи бор эди!

Ҳагн яссан қайиқча саёз жойдаги қумга тегиб туриб қолди. Қайиқдан сакраб тушиб, нам қум устидан юра бошладим. Шарққа қараб озодлик сари, қуёш сари йўл олдим.



II
Б О Б

СОВЕТЛАР ЕРИДА

Мен учун янги дунёда яшаш галаги ва одатдагидан ташқари эди. Айниқса тилни яхши билмасдан, ҳеч ким қарши олмай, импрессарио бошқарувисиз унга келиб қолганим қизиқ туюларди. Мен Советлар тупроғига фашистлар ҳужумидан қутулишни истаган бошқа минглаб қочоқлар билан бирга қадам қўйган эдим.

Брестдаги меҳмонхонага бориб:

— Менга номер керак,— дедим.

— Бўш номерлар йўқ.

— Ўз нархидан уч баравар қиммат тўлайман.

— Гражданин, бўш номерлар йўқ дедим-ку, сизга!

Ойна шарақлаб ёпилди...

Мен меҳмонхонага жойлаша олган бахтиёр кишиларга саломини қарадим. Йўқ, булар Европа меҳмонхоналари вештирмаларида мен кўриб юрадиган кишиларга сира ўхшашмайди. Оддий, меҳнаткаш кишилар. Чеҳралари ташингани, катта портфель кўтарган хизматчилар. Хилма-хил шалтолар, қадоқ қўллар.

Биринчи кечани ибодатхона биносида ўтказдим.

Ўртаси куни йўл-йўриқ кўрсатишиб, шаҳар партия комитетининг савъат бўлимига мурожаат қилганимни айтишди. У ерда мени хушмуомалалик билан, лекин анча сипо кутиб олишди. Совет Иттифоқида на ромчига ва на азаматхонага натифот кўрсатишарди. Телепатия ҳам шунақанги фойдасиз соҳага қўшиб қўйилган эди. Оҳ, кейинчалик ватанлар халал берди бу ҳол менга! Уз қобилиятимни на-бийини қилиб, бунда ҳеч қанақа найранг, ҳеч қанақа кўз-буямачилик йўқлигига одамларни ишонтиришга тўғри келди. Пировардида маданият бўлимининг мудирни Пётр Андреевич Абрасимов мени Брест районига хизмат қилувчи артистлар бригадасига қўшиб қўйди. Ҳаётим аста-секин яхшилана бошлади...

Дастлабки кунларда рус тилини тузук билмаслигим орқасида талайгина қизиқ-қизиқ чалкашликлар юз берди. Бунинчи, савъат бўлимининг бошлиғи:

Унга программанинг охирида навбат беринг!— деса, мен:

Ахир, мен жаҳонда биринчи телепатман-ку... Нега охириги бўларканман?— дердим.

Томоша кўрсатиб бўлганимдан кейин у:

— Жуда қойил қиларкансан-ку!— деса, мен:

— Ҳа, қойилман,— деб жавоб берардим.

Аmmo бу яшашимга калақит бермасди. Ақсинча, турмуш шодон кечиб, олам кўзларимда ранг-баранг бўлиб товланарди. Илҳом билан ишлаб, катта машға у қадар иштимайдиган маҳаллий артистлар, оддий кишилар орасида яшаш ва ишлаш завқли эди.

1940 йил 1 Майни Брестда байрам қилдим. Ҳамма қатори намоёнишга бордим. Кўп ўтмасдан мени Минскка жўнатишди. «Юқори мансабда турган бошлиқлар» менинг қобилиятим билан қизиқиб қолишибди. Бу ерда Пантелеймон Кондратьевич Пономаренко билан танишиб қолдим. У билан учрашганим учун тақдиримдан бир умрга миннатдорман.

Мен Белоруссия бўйлаб гастролда эдим. Бир куни Гомелдаги клублардан бирида томоша кўрсатаётсам, яшил фуражка, форма кийган икки киши олдимга келишди. Тажрибамни тўхтатиб, томошабинлардан кечирим сўрашди ва мени олиб кетишди. Автомобилга ўтирдик. Мен уларнинг бирон-бир ёмон нияти йўқлигини сездим.

— Меҳмонхона номерига ҳақ тўлашим керак эди...— дедим.

Улар кулиб:

— Ташвишланманг, тўлаб қўйишади...— дейишди.

— Чамадоним ўша ерда эди...

— Чамадонингиз ҳам туради...

Қаёққа келдик — билмадим. Қандайдир бир хонага олиб киришди. Бир ўзимни қолдиришди. Бу меҳмонхона экан. Бир оздан сўнг яна олиб кетишди. Тагин нотаниш хона. Мўйловли бир киши кирди. Саломлашди. Мен уни дарров танидим:

— Салом,— дедим.— Мен сизни қўлимда кўтариб ўтган эдим...

— Қўлимда?— ҳайрон бўлди Сталин.

— Биринчи майда... Намоёнишда. Портретингизни.

Суҳбаг турли мавзуда борди. Сталинни Польшадаги аҳвол, менинг Пильсудский ва Речь Посполитанинг бошқа раҳбарлари билан учрашувларим қизиқтирарди. Лекин ундан ҳеч қанақанги психологик топшириқ олмадим.

Сталин билан кейинчалик яна учрашдим. Балки унинг буйруғи билан менинг қобилиятим атрофлича ўрганиб чиқилгандир.

Шундай бир воқеа эсимда.

Менга давлат банкидан ҳеч нима ёзилмаган тоза бланк билан пулнинг сўм пул олиш топширилади. Кассир ёнига бордим, унга ўқувчилар дафтаридан йиртилган нардани узатдим. Чамадонни очиб касса туйнуги ёнига сўмни Кекса кассир қогозга қаради. Сейфини очди. Юз сўмни сўмни ажратди... Мен учун бу болалигимда Берлинга ётаганимда кондуктор билан бўлган тасодифни қайтариш эди, ҳолос. Чамадонни ёпиб, кассадан узоқлашдим. Билан ҳозир бўлган гувоҳлар ўтказилган тажриба ҳақидаги оғзақча кўла қўйинди. Кейин ҳалиги чамадонча билан кассирнинг олдига қайтдим.

У менга бир қараб қўйди, кейин фойдаланилган чеклар ёнига миксга ўз қўли билан қадаб қўйган оқ дафтар ёнига, мен ҳали тахи бузилмаган пулларни чиқара бошлаган чамадонга кўзи тушди-ю... шилқ этиб стулига ёнига қолди... Инфаркт! Бахтимга чол соғайиб кетди.

Бошқа бир топшириқнинг мазмуни — олий мартабали бир ёнининг кабинетидан рухсатномасиз чиқиб кетишдан бошқача эди. Мен олдиндан чиқариб юборилмаслигим танишларимга айтиб қўйилган уч қатор соқчилар орасидан бемаънафат кетдим. Мазкур топшириқни ҳеч қандай қийинчиликсиз бажардим. Полиция участкасидаги карцердан чиқиб кетини бундан қийинроқ бўлган эди.

Бу гоёт килма-кил «психологик тажрибалар» тўғрисидаги овоза бутун Москвага тарқалди. Мени «тинтиб кўриш», «текшириш», «хавфли киши» деб ҳисоблаш даражаси қилди.

Илҳом, энг юқори инстанциянинг аралашуви билан «текширишлар» тугади. Мен ҳарқалай эркинроқ ишлаш имкониятига эга бўлдим.

Дастлабки гастроль Одесса билан Харьковда ўтди. Тамоман янги совет аудиториясига ўрганиш мен учун катта қувноқ эди. Кейин Тбилисида бўлдим. У ердалигимда уруш бошланиб қолди.

1941 йил 22 июнь якшанбаси худди шу бугунгидек ёдимда. Энди Вольф Мессинг психологик тажрибалари билан кимга ҳам керак бўларди?!

Ўзимни кераксиз ҳис қилдим. Фашист ўлатига қарши курашда ўз иккинчи Ватанимга қандай ёрдам беришим мумкин? Соғангим яхши эмаслигидан жангга шахсан иштирок этишни-ку хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Фақат санъатим, қобилиятимгина бор эди... Бироқ у билан нима қилса бўлади?

Москвага қайтиб келганимиз эсимда. Мамлакат бирданга ўзгариб кетибди. Станциялар чироқсиз, қовоғи солиқ. Деярли ҳар бирда ҳужжат текширишади. Кийим-кечагим бошқаларникидан ўзгачароқ бўлгани, немисча таллаффузда гапирганим учун мени бир неча бор қамамоқчи бўлишди... Сўнг бари бир қамоққа олишди... Текшириб кўриб, қўйиб юборишди. Шундан бир неча кун кейин мен бир дўстимнинг уйини почта адреси бўйича қидираётганимда яна қамоққа олишди — ёқимлигина бир дружиначи қиз шундай қилди. Бу ҳатто менга ёқиб тушди ҳам: мамлакатим уйгоқ эди!

Тез орада мени Новосибирскка эвакуация қилишди. Чамаси, кимдир аллақерда Вольф Мессингнинг СССР граждани эканлиги ва урушдан кейин ҳам унинг ўзига хос қобилияти мамлакатга керак бўлиши ҳақида бош қотирипти. Мен шундай деб ўйладим.

Кейинчалик нима учундир бошқача бўлиб чиқди. Мен ўз санъатим билан ҳозирок кераклигим аён бўлди. Ҳафталаб ўз цехини тарк этмовчи мудофаа заводларининг ишчилари, ташкил этилаётган қисм ва бўлималарнинг жангчилари ҳам мени кўришни истарди. Заллар тўғридан-тўғри станоклар қошидан келган кишилар билан тўларди. Гоҳо жангчилар қўлида милтиқ ушлаганча томоша қиларди... Мен ўз санъатим билан уларни илҳомлантириш, меҳнат ва курашда куч-гайрат бағишлаш учун қўлимдан келганича ҳаракат қилдим.

Олдинда йиллар ўтиши билан саргайган қоғозлар боғ-
ловчи. Булардан айримлари қўлда, баъзилари машинада
синабди, учинчи бир хиллари эса рангли расмлар билан
белгиланган бўлиб, босма ҳарфлар қаторида бўш қолди-
рилган жойга фамилиям ёзиб қўйилган эди. Балки мен
ушундай лойиқ эмасдирман, лекин Вольф Мессингга
ҳам шунинг гулдурас олқишлари остида чинакам «жанго-
вар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларига» бериладиган ёр-
тишлар тоширилгани билан фахрланаман. Бу «ёрлиқ»лар
ҳаттода энг қимматли, асл нарсалардир.

Мен ўша йиллари кўпинча заводларнинг цехларида,
тўртинчида очик ҳавода ишлардим.

Уширмайман: томошаларим учун кўп ҳақ тўлашарди.
Мен у вақтда бўйдоқ, бола-чақасиз эдим. Ота-онам,
ака-укаларимнинг Варшава геттосида нобуд бўлишганини
билардим. Шахсий харжларим унча катта бўлмаганлиги-
дан йилга олган маблағларимни Ватанга, фашизмни тор-мор
қилтириш учун берардим. Уруш йилларида ҳарбий учув-
чиларимизга иккита самолёт тақдим қила олдим — бит-
тасини 1942 йилда, иккинчисини эса 1944 йилда юбордим.
Бу икки самолёт бир-биридан бениҳоя фарқ қиларди!
Ҳатто мутахассис бўлмаган менга ҳам совет олим ва ин-
женерларининг қисқа муддат ичида улкан иш қилгани
равшан эди. Жанговар машиналарнинг қиёфаси ўзгариб
бордин.

Архивимда кўп тиражли «Лётчик Балтики» газета-
сининг 1944 йил 22 май сони сақланмоқда. Бунда Со-
вет Иттифоқи Қаҳрамони, учувчи, капитан К. Ковалёв
мен билан учрашганини, самолётни қандай қабул этиб
олиганини ҳикоя қилган.

Дениз устидаги штурмчи самолётларни ҳимоя қила
тирно, деб ёзади у,— группамиз бирдан немис қирувчи
самолётларига дуч келди. Жанг қизиб кетди. Немислар
қовми томондан «ИЛ» ларга ташланишарди. Биз душман
самолётларидек Душманнинг олтига «Фокке-Вульф—190»

қирувчи самолёти бирин-кетин уриб туширилди. Ана шу жангда мен ўз ҳисобим бўйича 31-самолётни уриб туширдим. «ИЛ»лар душман кемаларига етиб бориб, ҳарбий кема билан соқчи кемани чўктириб юборди. Яна уч немис ҳарбий кемаси қаттиқ шикастланди.

Шу куни полкнинг команда пунктида совет ватапарвари, психология профессори В. Г. Мессингнинг менга самолёт совға қилиши ҳақида хушхабар олдим. Мен бир неча кундан кейин профессор Вольф Григорьевич Мессинг яшаб-ишлаётган шаҳар сари йўл олдим. Биз вокзалда уч-рашдик. Мен денгизчилар кийимида, ёзлик регланда эдим, у ҳам янглишмай мени тўғри топди. Биз қучоқлашиб кўришдик ва ўртамизда худди яқин кишилардек гап кетди. Йўл бўйи қизгин, ҳаяжонли суҳбат давом этди.

...Баҳор офтоби ёрқин нур сочарди. Завод аэродромида ишчи ва хизматчилар, шаҳар партия ва жамоат ташкилотларининг вакиллари йиғилишган. Митингни область партия комитетининг секретари очди. Биринчи сўз профессор Мессингга берилди. Профессор ҳаяжонли ва содда гапирарди:

— Гитлерчи муттаҳамлар буюк совет халқини тиз чўктирмоқчи бўлган эди. Душман хом ўйлади. Совет халқи ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун бир жону бир тан бўлиб бош кўтарди. Халқимиз бутун куч ва билимини фронтга, галабага бағишламоқда. Менга Ватаним, унинг эрки, шон-шаффи ва мустақиллиги бениҳоя азиздир. Мен виждоним амрига қулоқ солиб, ўз шахсий жамғармаларимдан самолёт қурдиришга, уни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, капитан Ковалёвга тақдим этишга аҳд қилдим...

Самолёт тайёр. Уни сенга топираман, ўғлим Костя. Ол уни ва душманни ур, токи Совет ери ва осмони немис босқинчиларидан умрбод қутулсин. Ёвга нафрат, сеvimли юртимизга муҳаббат билан ғаламуслардан ўч олиш ва зафар қозонишингда оқ йўл тилайман...



Профессор қўлтиғимдан тутиб, самолётга олиб борди. «Галаба учун!»— деб ёзиб қўйилганди машина фюзеляжиги. Яна: «Совет ватанпарвари профессор В. Г. Мессингдин Болтиқ учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони К. Ф. Ковалёвга совға» деб ёзилганди. Профессорни қучоқлаб ўндим ва ҳозир бўлганларга ўгирилиб, самимий миннатдорчилик изҳор қилдим.

Самолёт қанотига чиқиб, кабинага ўтирдим. Мотор аниқ ва бир меъёрда ишларди. Қарасам — профессор дастрўмоли билан шоша-пиша кўз ёшларини артиб, мен ёққа кираб турарди. Самолёт жойидан қўзгалди, ўзимни кўмкўк осмон огушида кўрдим. Мен ўз масканимда эдим...»

* * *

1942 йили Тошкентда Алексей Николаевич Толстой мени ўз уйига таклиф қилди. Шунга қадар уни китобларидан, пьесаларидангина билардим. Совет Иттифоқиغا берганимдан сўнг ўқиган «Сарсон-саргардонликда» трилогияси мени аниқса ҳайратлантирган эди. Иккиланган мижруҳ қалблар, тўсиқларга қарамай янги дунёга интилув-

чи қахрамонлар тақдири менга яқин ва тушунарли эди. Ахир мен ҳам қисқа, лекин қийин йўл билан шу янги ҳаётга егиб келдим. Шу туфайли адиб тақлифи мени беҳад севинтирган эди. Учрашувда уй соҳибидан ташқари, ёзувчи Корней Чуковский, Максим Горькийнинг рафиқаси, артист Берсенев ва яна аллакимлар — ҳаммаси бўлиб ўн беш кишича бор эди. А. Н. Толстойнинг дангиллама уйи кўпгина ёзувчи ва артистлар учун меҳмонхона, ўзига хос ёзувчилар клубига ўхшарди. Мен кўрсатган томоша дўстона, хайрихоҳлик билан қарши олинди.

1944 йили Новосибирскдаги «Психологик тажрибалар» сеансидан кейин олдимга бир ёш жувон келиб:

— Менинг назаримда,— деди у,— томошангиз олди-дан кириш сўзини бошқачароқ ўқиш керак эди.

— Нимзам дердим,— жавоб қилдим унга.— Сиз ўқиб кўринг бўлмаса... Менинг навбатдаги чиқишим икки кундан кейин... Тайёрланиб улгурасизми?

— Улгурсам керак.

Сеансим олдидан у билан яна учрашдим. Менга унинг ўзини усули ёқди...

— Залга чиқиш учун кийишга узун кўйлагингиз борми?

— Йўқ. Одмироқ қора костюм кийганим яхшироқ бўлар. Бундай костюм Сизнинг «Психологик тажрибалар» сеансларингизга кўпроқ мос келади.

Мен кейинчалик ажойиб дўстимга айланган аёл билан ана шу тарзда танишдим. Аида Михайловна Мессинг 1960 йилда бамдан ўтди. У билан кечирган йилларим ҳаётимда энг бахтли йиллардир...

Урушдан кейинги дастлабки йилларда яна бир киши билан, мамлакатимизнинг улкан ватанпарвари, адиб Алексей Алексеевич Игнатъев билан танишдимки, унинг номи-ни зўр эҳтиром ила тилга олмай ўтолмайман.

1 У каттакон ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган. Аввал дипломатлик вазифасига кўра, кейин эса эрксиз сиёсий

көзгичи бўлиб узоқ вақтгача ўз она юртидан олисда яшайди. У ҳамшира содиқ қолган Ватанига анчагача қайта олмади. У Москвадаги Кўҳна майдонда истиқомат қиларди. Қўҳнда йўғон ҳасса, сочлари оқ, лекин қадди-қоматида ҳарбийлик аломатлари сақланган бу кишини мен тез-тез кўриб турардим. Игнатъев мени бир кун рафиқам билан бирга кечки «русча» овқатга таклиф қилгани ҳамон эсимда. Унинг шинамгина квартирасидаги ҳамма нарса ҳайрон қоларми даражада озода, тартибли, саранжом-сарништа. Махсус ойнали шкафта эса мезбон турли йилларда олган орден ва медаллар... Бизни дид билан яратилган стол орқасига ўтказишди. Кумушвилка, қошиқлар. Нафис чинни идишлар...

Кизза солинган гречиха бўтқаси, чойни ҳисобга олмаганда, бирдан-бир кечки овқат эди. Уни Алексей Алексеевичнинг ўзи тайёрлаган. Бу киши умуман ажойиб пазанда ҳам эди. Уша кунгача ҳам, ундан кейин ҳам, умуман, умрим бини бўлганидан бери Алексей Алексеевич тайёрлагандай мазали бўтқа емаганман!

Мен Алексей Алексеевич ҳузурида бир неча соатлаб бўлиш бахтига муяссар бўлганман. У ажойиб сўзамол шикоятчи эди. Назаримда, «Эллик йил сафда» китоби саноқчаларини варақласам, худди унинг овозини эшитаётгандек бўларман. Бу китоб унинг ўз қўлидан эсдаликка олинган. У, авторнинг каминага самимий мурожаат сўзлари билан очилади...

Мамлакатимизнинг ажойиб одамлари билан — кекса га ёш авлод вакиллари бўлмиш ёзувчи, артист, жамоат арбоблари билан яна талай яхши, дўстона учрашувларда ҳам бўлганман. Бироқ, ким бўлишидан қатъи назар, ҳозир ишлаб, ижод қилаётганлар тўғрисида сўзлашни анча ноқулай деб биламан. Мана шу йиллар ичида мамлакат бўйлаб кездим, ўз «Психологик тажрибалар»имни элга намойиш қилдим. Бу тажрибалар ҳар доим ўткир атеистик характерда ўтишига, ўзимнинг эса даҳрий экаишимни, дунёда

ҳеч қандай билиб бўлмас сир йўқлигига, ҳамма нарса инсоннинг ақл-иродасига бўйсунушига ишонишимни таъкидлашга ҳаракат қилдим ва ҳаракат қилмоқдаман. Яна бир бор таъкидлайманки, мендаги қобилият у ё бу даражада ҳар кимсада мавжуд, мен бунга қатъий ишонаман,— бу ҳақда ҳали мукамалроқ тўхталаман ҳам,— мендаги қобилият инсонга хос, турфма, табиий хислатдир.

* * *

Йўқ, ўзимга нисбатан на давлат томонидан, на менинг тўғримда кўпинча ёзиб турадиган матбуот томонидан, на тажрибаларимни ҳузур қилиб кўрадиган томошабинлар томонидан қизиқиш ва ҳурмат бор, деб нолийдиган жойим йўқ; «Психологик тажрибалар»имга одатда биронта ҳам билет сотилмай қолмаслигининг ўзи бунинг далилидир. Фақат бир хил тоифадаги кишиларгина, юмшоқ қилиб айтганда, менга нисбатан сипогарчилик қилишади. Булар — олимлар.

Бошдан айтиб қўлай: ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Олимлар сеансларимга келиб, томошабинлар қаторида ўтириб кузатишганда менга зўр қизиқиш билан қарашади. Ҳамма билан бирга жюри ишида иштирок этишади, бошқаларга ўхшаб мен учун индукторлик қилишади. Менинг билишимча, сеансларимда бўлиш бошқалар каби уларга ҳам қизиқарлидир. Аммо қиладиган ишнинг моддий механизминини тушунтириб бериш, унинг моҳиятини аниқлашга келганда улар бошқа бир муаммога дуч келишади.

1950 йилда «Психологик тажрибаларим»га руҳсат берадиган бевосита бошлиқларим СССР Фанлар академиясининг Фалсафа институтига мурожаат қилиб, тажрибаларимнинг моддий моҳиятини тушунтириб берадиган текст тузишга ёрдам беришларини сўради. Очигини айтмай: бу фалсафа фанида энг оғир йиллар эди. Фалсафада бирор янги гап айтиш ҳуқуқига эга киши ёлғиз Сталин ҳисобла-

шарди. Бу сиғиниш ўз навбатида яна қанча-қанча майда сиғинишларни келтириб чиқарди. Психологияда ҳам шунга ўхшаш вазият ҳукм сурарди; бу фанда ҳамма нарса маълум, тушунтириб берилган, энди ҳеч қанақа янгилик бўлмайдди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб саналарди. Шунинг учун ҳам олимлар мендаги қобилиятни кўрганда биринчи нолда ундаги барча галати, изоҳлаб бўлмас нарсаларни мажбур қонуналарга олиб бориб тақашга ҳаракат қилишарди. Ана шу қолипга сиғмайдиган нарсаларни қилишни тавсия этишмасди. Бошлиқларим мана бу мазмунда хат ҳам олишди:

«Фалсафа институти.

СССР Министрлар Совети қошидаги санъат ишлари Комитети Гастроль бюросига.

Сизларнинг илтимосингизга мувофиқ В. Г. Мессинг томошаларига кириш сўзи текстини юборамиз.

Текст автори — психология бўйича педагогика фанлари кандидати М. Г. Ярошевский.

Текст Фалсафа институтининг психология сектори томонидан маъқулланган.

Психология сектори мудир.

(Петрушевский).

1950 йил 17 май.»

«Кириш сўзи» текстининг биронта ҳарфини ҳам ўзгартирмай, сизга ҳавола қилмоқчиман:

В. Г. Мессинг тажрибалари олдидан гапирувчининг «Кириш сўзи»

Мессингнинг сиз ҳозир кўрадиган психологик тажрибалари унда ҳаддан ташқари қизиқ қобилият борлигидан далолат беради.

Мессинг шу ердаги хоҳлаган киши таклиф қилган энг мураккаб фикрий топшириқларни аниқ, беҳато бажаради. Биринчи қарашда Мессингнинг бошқа кишиларнинг фикрини топшириғини тушуниши қандайдир сирли, ғайри

табий қобилиятдай кўринади. Бироқ ҳақиқатда Мессинг бажарадиган ишда ҳеч қанақанги ғайри табиийлик йўқ. Унинг тажрибаларини материалистик фан муфассал изоҳлаб бериши мумкин. Ҳозир бўлганларда Мессинг тажрибалари ҳақида мукамал, равшан тасаввур ҳосил бўлмоғи учун, унинг қандай қилиб томошабинларнинг гоит мураккаб топшириқларини бажара олишини қисқача айтиб ўтамиз.

Мия фикрлаш органи ҳисобланади. Мия фаолиятининг қонуниятларини улуг рус олимлари Иван Михайлович Сеченов билан Иван Петрович Павлов очишган. Ўтган асрдаёқ Иван Михайлович Сеченов бош мия рефлекслари ҳақидаги таълимотни олға сурган эди.

Сеченов гоёлари Иван Петрович Павлов томонидан қабул қилинганди. Академик Павлов жуда кўп тажрибалар ўтказиб, сезги, ҳиссиёт, тасаввур, фикр каби барча руҳий жараёнларимиз бош мияни ташкил этган миллиард-миллиард нерв ҳужайралари фаолиятининг маҳсули эканлигини исботлаган эди.

Мия ташқи дунё таъсирини акс эттириб, фаолиятимиз асоси ҳисобланган барча физиологик омилларни тартибга солиб туради. Киши бирор нарса ҳақида ўйласа унинг мия ҳужайралари бутун аъзоини баданига шу ондаёқ импульс юборади. Масалан, одам бирор нарсани қўлига олмоқни хаёлига келтирса, шу ҳақидаги тасаввур аввал унинг қўл мускули ҳолатини ўзгартиради. Тўғри, қўл мускулининг таранглашуви билинар-билинимас даражада бўлади, лекин у реал, бор нарса. Бунга оддий бир тажриба орқали ҳам ишониш мумкин.

Битта тизимча олинг, учига кичикроқ бирор нарса боғланг. У қўлингизда турганида осма соат капирини эслатади. Кейин бирор ҳаракат тўғрисида, масалан, соат стрелкаси ҳаракати ҳақида қаттиқ ўйланг. Сиз қанчалик аниқ-равшан ўйласангиз, тизимча учидаги нарса ҳам чиндан айлана ҳосил қила бошлашини ҳайрона кузатасиз.

Бу ҳол миянинг тасаввурга асосланган асаб жараёни содир бўладиган қисми билан ҳаракатни бошқарувчи қисми ўзаро узвий боғлиқлигини кўрсатади. Тасаввур ҳамма вақт ҳаракат билан мустаҳкам алоқада бўлади. Тасаввур қанча аниқ бўлса, бу алоқа ҳам шунча сезиларлидир. Велосипед минган киши ҳовир қатта харсанг тошга урилиб кетмиш ҳофтини кўз олдига келтириб қаттиқ ўйласин, беихтиёр равишда қалқиб бориб албатта фалокатга учрайди.

Ўлкавўпдан ўтиб кетаётиб, йиқилиб тушмоқчи бўлаётганингизни тасаввур қилсангиз бас, оёқ-қўлингиз бўшашиб, ҳаракатингиз ўзгаради ва сиз аҳтимол, тойиб ҳам бетасиз. Тасаввур бунда бехосдан ҳаракатга айланади. Инсоннинг скелет мускулатурасида ҳаракатни ўйлаш орқали вужудга келадиган бунақанги ўзгариш фанда идеомотор ҳодисаси деб юритилади (бу, «идея» ва «моторика» сўзларидан олинган бўлиб, «ҳаракат қилиш» демакдир).

Ҳоя, фикр мотор ва ҳаракат сферасида акс этади. Совет физиологлари, академик Павловнинг шогирдлари бўлмиш К. М. Биков ва бошқалар текширишлар олиб бориб, ҳаракатни ўйлаш муайян мускуллар қисқаришининча эмас, ҳатто организмда қон айланишини ўзгартиришини, таъсирлашишини оширишини ва ҳоказоларни аниқлашди. Яқингида нима ҳақдадир фикр қилаётган, қаёққадир ҳаракат қилишни ўйлаётганда мускулларда вужудга келувчи тоқларни ёзиб оладиган энг сезгир асбоблар ишлатиб кўрилган эди. Маълум бўлишича, киши кўзини юмиб туриб бирон баланд нарсани, чунончи, минорани тасаввур қилса, шу дамда унинг кўз соққалари мускулларида кўзгалиш импульси пайдо бўлар экан. У ҳақиқатда баланд минорага қараб тургандек, кўзларини юқорига кўтараётгандек туюларкан.

Агар одамнинг тил ва бўғзига юксак сезгир гальванометр¹ билан туташтирилган электродларни тегизиб туриб,

¹ Гальванометр — кучсиз электр токини ўлчайдиган асбоб.



ундан ўзини бирор жумла айтаётгандек ҳис қилишини сўралса, гальванометр бўғиз мускулларида билинар-билинимас импульслар пайдо бўлганини қайд этади. Текширилаётган киши гўё овоз чиқариб бир неча сўз айтгандек бўлганини сезади. Материалистик фан маълумотлари миянинг маҳсули бўлган тасаввур ва фикрларимиз ўзига тегишли ҳаракатлар билан узвий боғлиқлиги борасида ҳеч қанақа шубҳа қолдирмайди. Бу ҳаракатлар, биз юқорида айтгандек, ғоят заиф, кўз илғамас бўлиб, уларни шундайлигича идрок қилиш қийин. Аммо маълум шароитларда бу ҳаракатларни пайқаш мумкин. Бугун ўтказиладиган тажрибалар бунинг ёрқин далилидир.

Кўз илғамас мазкур ҳаракатлар қандай қилиб билинади? Биз ўзимиз била оладиган барча нарсаларни фақат сезги органларимиз орқали биламиз.

Владимир Ильич Ленин кўрсатганидек, нарсаларнинг ҳеч қанақа хусусиятини сезгисиз билолмаган бўлар эдик.

Сезги — бирдан-бир англаш манбаи. У сезги органларимизга ташқи реал дунё таъсир этиши натижасида юзага келади. Сезги пайдо бўлиши учун таъсир этувчи нарса муайян миқдорга етган бўлиши лозим. Чунончи, қўл соатингиз чиқиллаётганини одатда эшигмайсиз, бироқ соатни қулогингизга яқин олиб келсангиз, сизда тегишли эшитув пайдо бўлади. Сезги органлари ҳаммада ҳам бир хил даражада бўлавермайди. Айрим кишилар ўз турмуши ва меҳнат шароитларига кўра жуда юксак, баъзан эса ҳайрон қоларли даражада сезгир бўлади. Балки кўпчиликнинг сўқир ёки кар-соқов-сўқир кишиларнинг сезиш қобилияти тўғрисида эшитгандирсиз. Ўзини қуршаб турган табиатда кўз ва қулоқлар ёрдами билан йўлни аниқлаш имкониятидан маҳрумликлари орқасида уларда тери-бадан сезгиси, ҳид ва тебранишни ҳис этиш сезгиси ривожланган бўлади. Таниш кўчадан кетаётиб, улар биргина қиднинг ўзидан қайси уй олдидан ўтаётганларини, шамолнинг тебранишидан эса олисдан келаётган одам ёки автомобиль яқинлашувини биладилар. Сезиш, ҳис қилиш тажрибага боғлиқ бўлмаган мустақил ва ўзгармас қобилият эмас. Машқ қилиш ва такрорлаш исталган сезги органининг иш фаолиятини кучайтиради — сезгирлигини оширади.

Фикрнинг заиф бўлса-да, мускул ҳаракатига ўтиши ва инсоннинг сезиш қобилияти тўғрисидаги ушбу гаплардан сўнг бугун сиз кўрадиган нарсалар тамомила равшан ва тушунарли бўлади-қўяди.

Вольф Мессинг — сезиш машқини олган, ғоят нозик ҳис эгаси, анализатор одам. Унинг мияси беқиёс ҳиссий таҳлиллар қилишга қодир. Сезиш ҳисси бўлса шу қадар ўткирки, биров нима ҳақдадир ўйлаб, баданининг

бирор жойнда тери учиш сингари сал ўзгариш рўй берса ҳам — буни дарҳол пайқайди.

Мессинг ёнида турган киши унга фикран топшириқ бераётганида миядан мускулларга ўтувчи ҳаракат импульсларини бевосита ҳис қилади. Мобода топшириқ мураккаб бўлса, Мессинг мускулларда юз берувчи бир қанча ўзгаришларни кетма-кет сезади. Топшириқни бажаришда у ўз асаб системасини ниҳоясига етказиб таранглаштириши, таъсир этувчи бўлак нарсалардан ўзини холос этиши, ҳозир керак бўлган, тўғри йўл кўрсатадиган сигналларнигина ажратиб олиши зарур. Шунинг учун ҳам кўпинча Мессингнинг ташқи қиёфаси одатдагидан бошқачароқ кўринади, чунки топшириқни бажариш учун у зўр бериши, тирчиши, талай куч ишлатиши даркор.

Шундай қилиб, Мессинг тажрибалари бир миядан иккинчи мияга фикр узатиш мумкинлигини исботлайди деб ўйлаш хато бўлур эди. Фикр миядан ажралмасдир. Мессингнинг фикрни топа олишнинг боиси шуки, фикр бутун организмнинг ҳаракати, ҳолатига таъсир қилади, Мессингнинг ўзи бўлса бундай ҳолатни бевосита сеза олиш қобилиятига эга.

Мессинг тажрибаларини кузатар эканмиз, ҳар бир воқеа-ҳодисага диалектик материализм назарияси нуқтаи назаридан тўла илмий изоҳ бериш мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Бу назариянинг ёрқин нурлари остида фандан йироқ ҳар қандай, мистика ва хурофот туманлари тарқаб-тўзиб кетади...

Ана шундан кейин сеансни қандай, қанақа изчиллик ва тартибда олиб бориш кераклиги тўғрисида муфассал кўрсатма бериларди.

Бахтга қарши, бу текст ҳануз менинг чиқишларим билан бирга юради. Мен мазкур саҳифаларда одамнинг телепатик қобилиятлари тўғрисида анча гапирдим. Бу ҳақда нима билсам ҳаммасини айтиб бериш пайти келди.

Мамнун, хотиржам.
Кончиларнинг яширин
Ер ости фикрин
То пар у

оп-осон

сеанс берган дам...

Бу ерда бир қисмигина келтирилган бу шеърни шоир Роберт Рождественский ёзган. У шеърда менинг ўзгалар фикрини ўқишим тўғрисида гапирган.

Шу ростми?

Ҳа, маълум шароитларда мен ўзгалар фикрини, ҳаммадан бурун ҳаракатни, ё муайян ўринни англатувчи образлар ифодаланган фикрни идрок этаман.

— Журналист ва ёзувчи дўстим Михаил Васильев Москва чеккасидаги боғида бир неча кун бирга бўлганимизда мендан ҳадеб:

— Вольф Григорьевич, айтинг-чи, бу қандай содир бўлади? Уни қандай бажарасиз?— деб сўраб қўймасди.

Уни қуруқ ҳангоматалаблик қизиқтирмаслигини билардим. Чунки у ўша вақтда «Инсон ва коинот» китоблар сериясининг сўнгги томи учун материаллар тўпларди. Мазкур том «Инсон ёлғиз ўз-ўзи билан» деб номланарди.

Унинг саволларига нима ҳам деб жавоб берардим? Очиги, ҳеч нарса деб. Бу қандай содир бўлишини ўзим ҳам билмайман.

Фақат менинг тўғримда,— бу ўз қобилиятини қандайдир англаб бўлмас, ғайри табиий, сирли деб тавсия қиляпти,— деб ўйламасангиз бўлгани. Бунинг ғайри табиий, ўрганиб бўлмайдиган, бошқа қобилиятлардан ортиқча жойи йўқ. Битта оддий мисол келтираман. Сиз ўзингизни кўрлар мамлакатига, масалан, Герберт Уэллснинг пессимистик ҳикояларидан бирида тасвирланган мамлакатга тушиб қолган ҳис қилинг. Ё бўлмаса, Морис Метерлинкнинг кичик бир драмасидаги воқеа содир бўлган оролга тушиб

қодингиз дейлик (бу фантастик мамлакат ёки орол бутун инсоният рамзи эмас, улар бизга мисолимизни аниқроқ тушунтириш учунгина зарур). Шундай қилиб, кўриш имканингизга шубҳаланмайдиган кўрлар дунёсида сиз ягона кўзли одамсиз. Мана шунда бояги илмий тарғиботчингиз қаттиқ туриб сизни саволга тутади:

Наҳотки сиз ўзингиздан ўн, юз ва мингларча метр оқимдаги нарсаларни кўра оласиз? Ақлга сиғмайди! Хўш, ақилнингчи, бу қандай юз беради? Сиз уни қандай бажарасиз?

Қанин, бу саҳифалардан бошни кўтаринг. Кўзингизни юмшинг. Очинг. Ана энди ҳалиги эзма ёзувчингизга қанақа қилиб кўришингизни тушунтириб беринг...

Мени ҳам ўша дўстимнинг саволи худди шундай аҳволга кўйган эди. Аммо менинг аҳволим сизникидан чатоқроқ эди. Сиз ўз ҳамсуҳбатингизга кўринувчи нурларнинг физик моҳиятини тушунтиришингиз, кўзнинг ойнасимон линза ва тасвир синувчи қорачиги туби билан кўриши ҳақида сўзлаб беришингиз, ёруғлик кучи билан тўлқин узунлиги айирмасини қабул қилувчи таёқча ва колбачаларини — нерв учларини кўрсатишингиз, яъни, сиз унга қанча-қанча олимлар авлоди минглаб тажрибалар асосида объектив ҳақиқат ўрнатганини маълум қилишингиз мумкин. Борди-ю, ўзингиз кўриш соҳасида ҳеч қанақа илмий тажриба ўтказилмаган кўрлар мамлакатидан бўлсангиз, унда қандай бўлади? Ана шунда сиз ҳам мендан ўзгалар фикрини қандай ўқий олишимни сўрашганларини мен тушадиган ҳолатга тушиб қоласиз.

— Мен — жаҳонда шундай қобилият насиб ягона кишиман, демоқчи эмасман. Асло! Эҳтимол, менда ана шу қобилият бошқлардагига нисбатан ёрқинроқ, ортиқроқдир...

...Мен ҳар хил телепатлар билан бўлган сон-саноксиз учрашувларни эслайман. Булар ичида чиндан ҳам индукторнинг сезги, образ, фикр, баъзан эса сўзини у ё бу даражада идрок қиладиган ҳақиқий телепатлардан тортиб, ўзи-

ни бундай қобилиятга эга қилиб кўрсатишга уринувчи айёр товламачиларгача бор эди.

Бир неча марта мана бундай томошаларни кўришга тўғри келди. Саҳнага икки киши — эркак ва аёл чиқади. Эркакнинг кўзини қора рўмол билан қаттиқ боғлашади. Утирган одамлардан бир-иккитаси саҳнага чиқиб текширади: ҳа, яхши боғлашти, ундан бирор нарсаи кўриш мумкин эмас. Шундан кейин аёл залга тушади. Сеанс бошланади. Аёл саккизинчи қатор ёнида тўхтади. Чекка креслода бир полковник ўтирипти. Кўкрагида тўрт қатор орденлар лентаси ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин юдузи. Аёл бутун зал эшитадиган овоз билан дона-дона қилиб сўрайди:

— Ёнимда ким?

Саҳнадаги бсяги эркак ҳам баланд овоз билан:

— Ҳарбий киши...— дейди.

— Аниқ айтинг... Уйланг...

— Полковник...

— Қўшинлар тури?... Тезроқ...

— Пиёда!

— Аниқроғи...

— Гвардиячи пиёда...

— Нимага тегиб турибман?

— Орден колодкаларига...

— Равшапроқ қилиб айтинг!

— Полковник Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганини кўрсатадиган лента...

— Унда шунақа орденлардан нечта? Шошмай жавоб беринг... Сананг...

— Тўртта.

— Тўғри... Ҳозир кимнинг ёнида турибман?

Бу диалог яна узоқ чўзилиши мумкин... Мен бунақанги «фикр ўқиш» сеансларига икки хил назар билан қарайман. Биринчидан, залда ўтирганларга ўхшаб менга ҳам «телепат»нинг ва ёрдамчиси — аёлнинг санъати, ўз ишини моҳи-

рона бажариши ҳузур бағишлайди. Уста найрангбоз санъатини ҳам худди шундай завқланиб томоша қиламан, лекин бу ўтакетган устомон кишилар Дик Читашвиладиаги ҳалолликка эга эмаслар. Дик ёниб турган ўнта папиросни ҳайрон тамошабинлар кўз олдида ҳаводан бирма-бир ушлаб олганида, буларни қуёш тайёрлаб берди, демайди. Аксинча, агар истасангиз, шу папиросларни сотиб олган тамаки дўконининг адресини айтишга ҳам тайёр. Дик фокуслар кўрсатади, аммо бунинг сир тутмайди. У ўзининг найрангбозлик санъатини, жуда оз кишилар қўлидан келадиган санъатни намойиш этади. У бунинг сирларини очиб кўрсатишдан ҳам тоймайди, бари-бир, сиз бу фокусларни узоқ вақт машқ қилмасдан такрорлай олмайсиз. Мен юқорида гапирган фокусчи «телепатлар» бунинг олишмайди. Улар, биз телепатияни намойиш қиляпмиз, дейишади. Ана шу «телепатлар»нинг муҳим ишни обрўсизлантираётгани менга алам қилади.

Юқорида баён этилган фокуснинг сирини нимада? Эраққ билан аёлнинг бутун залдагилар олдида гаплаша оладиган аниқ ишланган код¹ бор.

Келтирилган диалогдаги код бундай:

сўз	унинг кодланган маъноси
Ёнимда ким	Ҳарбий киши
Аниқ айтинг, ўйланг	Полковник
Тезроқ	Пиёда
Аниқроғи	Гвардиячи пиёда
Тегиб турибман	Орден колодкалари
Равшанроқ қилиб айтинг	Қизил Байроқ ордени
Шошмай жавоб беринг, сананг (тўртта сўз)	тўртта

«Аниқ айтинг, ўйланг» сўзлари ўрнига «аниқ айтинг» — дейилса, бу — «подполковник», фақат «ўйланг» дейилса — «генерал» ҳарбий унвонини англатарди. Аёл агар «тегиб

¹ Код — сўзларнинг шартли белгилар рўйхати.

турибман» ўрнига «қўл теккиздим» деса «погон», «мен тегиб кетдим» деса — «Совет Иттифоқи Қаҳрамони юлдузи», «тегиб ўтдим» деса — «бош кийими» бўларди ва ҳоказо.

Хабар фақат сўзлар воситасидагина узатилмасдан, бунда сўзларнинг ўзаро жойлашиш тартиби, сўзлар орасидаги тўхтам ва уларнинг талаффуз қилиниши ҳам муҳим роль ўйнашини ҳисобга олганда кодда гаплашиш имконияти амалда чексиздир. Бирон ёрдамчингиз бўлса сиз ҳам бундай фокусни осон намойиш қила оласиз (бу метод Я. Перельманнинг «Фокуслар ва томошалар» китобида анча муфассал баён этилган). Лекин ҳеч қачон фокусларни телепатия деб талқин қилманг. Фокусчи санъати гўзал-зебо санъат бўлиб, бундан сира уялиш керак эмас.

«Фикрларни ўқиш» деб баҳо берилган бошқа бир томошани ҳам кўрганман. Бунда эркак залга тушиб, аёл саҳнада қолади. Савол-жавоб бошланади:

— Ким билан ёнма-ён турибман?

— Ҳарбий билан. Полковник, тўртта Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган...

— Энди ёнимда ким?

— Инженер. У кул ранг костюмда. Қўлида газетанинг кечаги сони...

— Эндичи?

— Шахтёр. Ёнида гўзал ёш хотини бор...

Эркак ва аёлнинг бу галги диалогиди ахборот жараёни тўғридан-тўғри савол-жавоб беришдан холи. Бироқ бу ҳам телепатия эмас.

Саҳнада юзи ва лаблари қора рўйпўш билан танғик турган аёл бутун сеанс мобайнида лом-лим демайди. Саволни залдаги эркак беради, жавобни ҳам унинг ўзи қилади.

У, оғиз очмай туриб ичдан гапиришдек ноёб қобилиятга, лабларини қимирлатмай, товушлар чиқариб, овоз қаердан келаётганини билиб бўлмас даражадаги ажойиб санъатга эга.

Ичдан гапириш менингча жуда кам учрайдиган, катта истеъдод. Мен бунақанги номерларни худди она ўзгариш алоғи билан гаплашаётгандек, ё, аксинча, жажжи катта катта бувисининг портрети билан сўзлашаётган ва худ гул, кўкат, дарахтлар билан афсонавий пари суҳб қилаётгандек қувониб томоша қиламан. Агар текст мазмунан чуқур ва ўткир, қизиқарли бўлса, яна ҳам яхши! Мана бу, шубҳасиз, санъатдир. Лекин, ичдан гапирувчи ўртоқлар, ўзингизни телепат деб кўрсатманг.

Мендаги қобилиятлар орасида ўзимни каталепсия ҳолатига солишдек қадимий соҳа ҳам бор. Бунда ҳинд йоғлари, айтайлик, мукаммал даражани эгаллашган. Менда у болалик чоғимдаёқ вужудга келиб, юқорида ёзганимдек, биринчи марта ҳақ олишимга сабаб бўлган. Каталепсия — аъзолар тамом қотиб қолиб, барча мускул мутлақо жонсизланиши орқасида қамирлолмай ҳаракатдан буткул тўхташ ҳолатидир. Мен каталепсия ҳолатига кирганимда гарданнимни бир стулга, товонимни иккинчи стулга қўйиб, ўзига хос кўприк ҳосил этаман, шу кўприкка анча-мунча гавдали одам ўтириши ҳам мумкин. Оддий ҳолатимда эса бундай одамни ердан бир миллиметр ҳам кўтара олмайман. Каталепция ҳолатида у устимда истаганича ўтириши мумкин, унинг гавда оғирлигини сира сезмайман. Умуман, бундай пайтда деярли ҳеч нимани ҳис қилмайман. Томир уришим йўқолади, нафас олишим тўхтаб, юрак сезиларсезилмас даражада уради.

И. П. Павловнинг тушунтиришича, бундай ҳолат одатда кўққисдан ўта ҳаяжонланиш, тутқаноқ тутиш орқасида асабий кишиларда ёки ҳаракатлантирувчи нерв аппарати қуйи бўлимлари фаолиятини қисмайдиган, бош мия пўстлоғининг ишлашдан тўхташини таъминлайдиган гипноз натижасида юзага келади. Мен бундай ҳолатга беихтиёр равишда, тўғриси, бутун иродамни бир жойга тўплаш учун бир неча соат тайёргарлик кўрганымдан кейин ўтаман. Рост, сўнгги йилларда бу соҳани жуда камдан-кам

намойиш 'қиламан. Аммо Польшада яшаган давримда мазкур каталепсия чиқишларимнинг қарийб асосий номери ҳисобланарди. У ерда мен нақ механик асбоблар ёрдамида каталепция кўрсатувчи ўз тақлидчиларимни ҳам кўплаб учратардим.

Капиталистик мамлакатларда оккульт «илм-амаллар» деб аталувчи нарса жуда кенг тарқалган. Париждаги Елисей далаларни ва Катта бульварда, Берлиндаги Унтер ден Линденда хилма-хил бўёқ билан расмлар солинган фолбин, афсунгар, сеҳргар, жодугар уйларини кўрганман, уларни Лондон, Стокгольм, Буэнос-Айрес ва Токиода ҳам учратганман. Сеҳргар Пифело ўз туморларини зўр бериб роса тарқатгани (пулга, албатта!) эсимда. Унда «жангдуқ ва найзадан асровчи», «тугмас хотинлар учун», «савдосотиқда кушойиш учун» ва бошқа махсус туморлар бўларди. Шуниси қизиқки, Пифело чамадончасида «савдосотиқда кушойиш учун» минглаб тумор олиб юради-ю, лекин ўзи негадир миллионер бўлиб кетмайди!

Психографолог Шиллер-Школьник эсимда. У, кишиларнинг хатига қараб характерини аниқлар, ўтмишини айтиб бериб, келажагидан башоратлар қиларди. Инсон характери ҳар нечук унинг хатида акс этишига гумон қилмайман. Кўп автографлар коллекциясига эга улуғ Гёте ҳам, дарвоқе, инсон характери ва умуман маънавий қиёфаси унинг хат-хутидан маълумлигига ишонган. Ёзувда характернинг у ёки бу томони қанчалик аниқ ифодаланишини айтишим қийин-у, лекин хатига қараб туриб эгасининг ўтмиши ё келажagini билиш мутлақо мумкин эмас деб ҳисоблайман.

Метапсихологларнинг махфий жамияти ҳам ёдимда — бу спирт ва мутасаввуфлар жамияти бўлиб, бир-вақтлар мен ҳам унга аъзо эдим. Бу ўттизинчи йилларга тўғри келади. Уша пайтларда спиритизм Польшанинг муайян доираларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Талай

«медиумлар»¹ шу жамият аъзоси эди. Спиритизм — ўлганлар руҳи айрим шароитда ерда барҳаёт яшаётганлар билан мулоқатда бўлиши мумкинлигига ишонч демакдир. Мазкур мулоқат-алоқанинг асосий шарты — медиум иштирок этишидир. Жамиятимизнинг спиритлари одатда медиум билан бир хонага тўпланишар, спиритизмга ишонувчиларни эса қатнаштирмай ҳайдаб чиқаришарди (чунки улар тириклар билан алоқа қилмоқчи бўлган марҳумлар руҳига тегиб, сеанс ўтказилишига халақит бериши мумкин) ва тажрибани бошлашарди. Тажрибалар мазмуни қандай медиум иштирок этишига қараб ўзгариб турарди. Медиумлар орасида тақиллатиш, стол айлантириш, гитара чалиш, тошқалам билан тош тахтага ёзиш ва ҳатто руҳларга жон ато этиш бўйича мутахассислар бўларди. Энг осони, бир нимани тақиллатиш йўли билан руҳ-арвоҳ билан гаплашиш эди. Медиум гипнозга ўхшаган транс² ҳолатига тушарди. Бир оздан кейин девор дукулларди, яъни руҳ келганини маълум қиларди. Унга овоз чиқариб савол бера бошланар ва жавобига узундан узоқ тақир-туқур эшитиларди. Уни санашарди. Ҳар допқир тақиллаши алфавитдаги ҳарфлар сонини билдирарди. Ҳарфлардан сўзлар тузиларди. Орамизда энг «кучли» медиум Ян Гузик ҳисобланарди. У, Наполеон, Александр Македонский, Адам Мицкевичлар руҳини чақирарди... Ўйлашимча, агар ўша вақтда истаганимда, у нақ Одам ато руҳини ҳам чиқаришдан тап тортмасди... Бу одам ёппасига гипноз қилиш қобилиятига эга эканлигини айтиб ўтирмайман.

Спиритизмнинг бошдан-оёқ алдамчилик, фирибгарлик эканлигига ишончим комил. Лондонда бир цирк томошасида бўлгандим, фокусчи акробатлар спиритик «мўъжи-

¹ Медиум — спиритларнинг даъвосига кўра, «руҳ» билан кишилар ўртасидаги воситачидир. (Ред.)

² Транс — гипноз вақтида асабларнинг жуда қўзғаб кетиши, мишнинг қарахт бўлиши.

залар» кўрсатиб, сўнг унинг жўнгина сиру асрорини туншунтириб беришганди. Ўз даврида қарийб бутун жаҳонги медиум бўлиб танилган Паркер анча-мунча бойиб олганидан кейин «асрий бемаънилик» деб спиритизм устидан ўзи кулган эди...

Окультчилар тўғрисида бунчалик батафсил ҳикоя қилишимнинг боиси — мен шулар билан бирга ишлаганман, ўзларини парда орқасида кўп учратганман, улар ақли кўзида томошабинларни лақиллатадиган асбобларининг қўлбола пружиналарини тутиб кўрганман. Бир вақтлар Варшава циркида томоша кўрсатган ростгўй фақир Бин Али бу борада менга ғоят яқин ва азиздир. Алининг томошаларидан бирида унга тўппончадан ўқ узишар, у эса ўқларни қўли билан ушлаб оларди. У, бунда ҳеч қанақа илоҳий нарсга йўқлигини, усталик билан қилинаётган фокуслигини яширмасди. Бир офицер фақирга тўппончасидан отмоқчилигини таклиф қилганида, Али чўчиб:

— Пан!— деди.— Наҳотки сиз, агар менинг ўрнимда бўлсангиз, қандайдир беш злотий деб ўлишга рози бўлардингиз?!

Иккинчиси мутасаввуфликка ва фирибгарликка мутлақо алоқаси бўлмаган фикр ўқиш қобилиятини мутасаввуф ва фирибгарликдан ажратиш учун бу ҳақда кенг тўхталяпман. Афсуски, бу ноёб қобилият яхши ўрганилмаган. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, фикрни ўқишни фирибгарлар обрўсизлантириб, беҳурмат қилиб келдилар. Бундайлар ҳамма вақт ҳам чинакам телепатларга қараганда беқийёс кўп бўларди.

Иккинчидан, бунда телепатларнинг ўзи айбдор. Айрим телепатлар ўзидаги имкониятни ҳаддан ташқари кўпиртириб овоза қилди, баъзилари ундан нопок мақсадларда фойдаланди, учинчилари, аксинча, бундай қобилияти борлигини яширди, тўртинчилари эса ўзида телепатик қобилият мавжудлигини пайқамади ҳам.

Афтидан, XVIII асрда яшаган машҳур халқаро авантюрист граф Калиостро анчагина телепатик қобилиятга эга бўлган. У барча касалликни тузатишга қодир врач, табиёт фанлари олими, фалсафа тоши сирини билган алхимик, келажакни олдиндан айтувчи доно ролида иш тутган... У ҳаммага ўзини сира ўлмайдиган деб, ёшини эса мингда деб танитарди. Афсуски, у на кундалик дафтар қолдирган ва на ёзма хотиралар; уники деб тарғиб қилинадиган мемуарлар эса сохтадир. Унинг сирли образини Александр Дюмадан тортиб Алексей Толстойгача кўплаб ёзувчиларнинг диққат-эътиборини ўзига тортган. Аммо улар бу кишининг қиёфасини афсона ва ривоятларга асосланиб чизишган... Бир вақтлар мен унинг шахси билан қизиқиб, замондошлари ёзиб қолдирган баъзи эсдаликларни ва маълумотларни ўрганиб чиқдим. Ҳа, у бориб турган товламачи бўлган, бироқ бисотида телепатик қобилият ҳам бўлган.

Калиостро, шубҳасиз, биринчи группа телепатларга — ўз имкониятларини ҳаддан зиёд ошириб кўрсатган телепатларга мансуб бўлган. Бу жиҳатдан у юқорида тилга олинган,— ўлганлар руҳи менинг забоним билан тилга кириши мумкин,— деб жар солган Ганнусен-Лаутензакка яқин туради. Шунинг учун у овоз ўзгартиришини ўрганган, ичдан гапиришни эгаллашга тиришган... Бу жиҳатдан Калиостро ҳам, Ганусен ҳам ўз қобилиятини ёмон мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилган ярамас одамлар бўлган. Мазкур телепатларнинг қобилият даражасини бегараз аниқламоқчи бўладиган олимга уларнинг жон-жаҳд билан қаршилик кўрсатиши турган гап эди. Телепат ана шунақа текшириб кўришга ёрдам қилишни истамаса, унинг имкониятларини ўрганиб бўлдимиз? Йўқ албатта!

Калиостро ҳам, Ганусен ҳам буржуа жамиятининг типик вакиллари эди. Бизда одамлар орасидаги муносабат бутунлай бошқача тарзда шаклланади. Телепатнинг психологияси

ҳам ўзгача бўлади. Яқинда менга ҳаваскор ёш телепат Карл Николаевич Николаев билан телепатияни ёқтирмасликда номи машҳур профессор Александр Исакович Китайгородскийнинг тор доирадаги қизиқарли учрашувини айтиб беришди. Бундан сал бурун скептик кайфиятдаги профессор «Литературная газета»да мақола билан чиққан эди. Мақоланинг асосий мазмуни мана бундай эди: — образ, ҳис, фикрлар миядан-мияга қандайдир бир электромагнит тўлқини иштирокида тўғридан-тўғри узатилади деб бўлмас экан, демак, телепатиянинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Ана шундан кейин ўз телепатик қобилиятларини яхши билган К. Н. Николаев «Знание — сила» журнали редакциясига келиб:

— Мен Китайгородский билан учрашишга розиман. У мен билан бирга тамоман холис, бегараз тажрибалар ўтказсин ва ҳақиқатни қарор топтирсин,— деган.

Мана бу — телепатларнинг масалага мутлақо янгича ёндошиши демакдир!

Скептик олим ва телепатнинг мазкур учрашуви ҳақида сўз қетгани учун, зеро, бу учрашувнинг оқибатини айтмай, Николаев бисотида бор нарсанинг ҳаммасини кўрсатишти. У олимнинг фикрини ўзгартишга эриштипти. Виждонли одам — профессор Китайгородский сўнгги сўзида буларнинг барини ҳали ўйлаб кўриши кераклигини, янги мақола ёзишини, мақолада эса телепатияни илмий воситалар билан тадқиқ қилиш зарурлиги масаласи қўйилишини айтишти¹.

Профессор Китайгородский мақоласида телепатияга қарши келтирилган далиллар тўғрисида бир неча сўз. Бу

¹ Мақола «Знание — сила» журнаlining 1965 й. 6-сонида босилган. Бу мақолада профессор А. И. Китайгородский К. Николаев билан ўтказилган тажрибалар «бир неча ҳолларда ғоят муваффақиятли ва таъсирли бўлди» деб эътироф этади. Тўғри, А. И. Китайгородский К. Николаевни бор-ўйи «уста топагон» деб ҳисоблайди... Майли, шунинг ўзидаёқ телепатик ҳодисаларни илмий равишда жиддий ўрганиш зарурлигини тасдиқлайди.

ерда иштирок этиши мумкин бўлган майдон йўқ-да, дейилади. Бу жуда эски ва содда эътироздир. Азалдан маълумки, инсоннинг тафаккур фаолияти унинг миёсида электор токлари пайдо бўлиши орқасида содир бўлади. Асбоблар уларни яхшилаб суратга олиши, қоғозга иланг-биланг чизиқ кўринишида тушириши мумкин. Бунинг устига одам қанча берилиб, қаттиқ ўйласа ҳалиги чизиқлар шунча эгрироқ бўлади. Демак, фикр туғилаётганда у билан бирга электор токлари ва электромагнит майдони ҳам ҳосил бўларкан. Нега энди уни фикрни узатадиган моддий субстанция деб ҳисоблашмайди? Одатда бунга мажмур токлар ниҳоятда кам, улар вужудга келтирадиган электромагнит майдони ҳам шунга яраша гоят кучсиздир, деб рад жавоб қиладилар. Унинг кучланиши шу қадар заифки, жуда яқин масофадан ҳам ўлчаб бўлмайди. Лекин бу ҳам жиддий эътироз эмас. К. Николаев билан профессор А. И. Китайгородскийнинг айтиб ўтилган учрашувида профессор телепат инсон сезгиларининг ажойиб нозик томонларини кўрсатадиган бир қанча мисоллар келтирди. У академик С. И. Вавиловнинг одам кўзи айрим ёруғлик квантларини кўриши, сезиши мумкинлигини исбот қилган тажрибаларини эслатди... Бадий кинофильм лентасига атиги битта реклама кадрини улаган чет эл савдогарларининг бир найранги ҳақида гапириб берди. Кинофильм намойиш қилинаётганда томошабин экрандан секунднинг $\frac{1}{25}$ улушида «лип» этиб ўтиб кетувчи бу кадрни пайқамай қолади, бироқ бутунлай бошқа бир вақтда шу кадр унинг миёсида тўсатдан пайдо бўлади. Узаро яқинлигидан қайси бири қаердалигини билиб бўлмайдиган ва лекин қандайдир бир сезги буни айтиб турадиган икки нуқтани қараб аниқлаш борасидаги янги ишлар тўғрисида сўзлаб берди... Муҳтарам олим инсон миёси бошқа бир миёда туғилган биотокларга нисбатан асбобларимиздан ҳам нозикроқ, сезгирроқ эканини илк гипотеза кўринишида бўлса-да, фараз қилсин эди. Идрок этувчи бу механизмга



тушган электромагнит майдони биргина ёки бир неча кванти акс-садо қўзғаши, ўзига хос лавина вужудга келтириши ва кучайиб, нур сочувчи мияда бўлганига ўхшаш ҳис уйғота олишини ҳам фараз қилиш мумкин.

Биотокларнинг ахборот ташувчи сифатидаги электромагнит майдонига бўлган иккинчи эътироз шуки, уни тафаккур процессида асосий эмас, балки завод трубасидан бурқсийдиган тутунга ўхшаш қандайдир иккинчи даражали ҳодиса деб ҳисоблайдилар. Мен бу фикрга қўшиламан, лекин завод трубасидан кўтарилаётган тутунга қараб туриб ҳам у ердаги ишлаб чиқариш тўғрисида кўп нарсани айтиш мумкинлигини эслатмоқчиман. Мартен печларидан чиқувчи тутун мутахассисга пўлат бунёдга келаётганидан

дарак беради. Печларида симоб рудаси эритилаётган завод тутунини иссиқлик электр станциясининг қозонхона-сидан чиқадиган тутун билан адаштириб бўлмайди ва ҳоказо. Нима учун баъзи кишиларда бу «тутунлар» тарқибини (бу эркин таққослаш учун кечиргайлар) фақат тўғри қайд қилишгина эмас, ҳатто яхши аниқлайдиган назик анализаторлар борлиги ва, демак, завод қанақа маҳсулот чиқаришини айта олишлик эътироф этилмайди...

Тажрибалар ўтказиш керак! Фикрни узатиш процес-сида электромагнит майдони иштирок қилишини аниқлаб кўриш лозим. Ўзим ҳақимда шуни айтиб ўтишим мумкин-ки, индукторим билан шахсий алоқам борми, ёки йўқми, яъни унинг қўлини ушлаб тураманми ё йўқми, бу мен учун деярли барибир. Кўпгина телепатлар ўз индуктори қўли-ни ушлаб турса, унинг фикрига кириши осон бўлади. Балки бу факт олимларга ҳақиқатни излашда ёрдам берар?

Бордию, бунда электромагнит майдони йўқ бўлиб чиқ-са-чи? Унда нима бўлади? Ҳечқиси йўқ! Унда телепатик ҳодисаларга сабаб бўладиган ҳозирча бизга номаълум майдонни топиш зарур. Топиш ва ўрганиш керак. Бу май-донни билиб олиш алоқанинг электромагнит майдонидан кўра кўпроқ янги, ажойиб имкониятларни очишимизга ёрдам беради. Генрих Гершнинг 1886 йилда радиотўлақинни кашф этганини эсланг. Кейин, юз йилдан камроқ вақт ичида радио, телевидение, радиолокация, юксак частотали тоқлар билан тоблаш кабилар юзага чиқди. Мазкур май-дон бизга яна ҳам улкан мўъжизалар ҳада қилишини не-чун кутмас эканмиз?!

Бу қанақанги майдон? Бу саволга жавоб бера олмай-ман, албатта. Бу, эҳтимол, гравитацион майдондир, деган тахминлар айтилди... Бундан атиги 80 йил бурун радио-тўлақин ҳақида ҳеч нима биламаганимиздек, балки мазкур майдоннинг табиати тўғрисида умуман ҳеч нима бил-масмиз.

Асосий мавзудан ҳадеб четга чиқаётганим учун ҳурматли китобхонлардан уэр сўрайман. Улар шу чоққа қадар бериб келинган саволларга тўла-тўкис, аниқ, очиқ-ойдин жавоб қилишга интилаётган, яхши адабий услубда ёзишнинг урдасидан чиқолмаган, бу йўлда мақтанишни ўзи ҳам истамаётган каминаи камтар мемуаристни кечиргайлар...

Шундай қилиб, биз телепатларнинг тўрт хили бор дедик ва телепатия соҳасида тадқиқот ишлари олиб боришга телепатларнинг ўзи нега халақит бераётганлигини ўзимизча тушунтириш учун телепатларнинг аввалги икки хилини мисолга олдик. Энди учинчи хил телепатлар — ўз қобилияти борлигини яширувчилар тўғрисида тўхталамиз.

Тарих қанчадан-қанча зеҳни ўткир дипломатларни билди. Улар билан музокара олиб бориш мушкул эди. Чунки улар ўз рақибларининг энг сирли фикр ва доғули режаларини билиб олишарди. Биз шундай ҳолатни фараз қилайлик: айрим дипломатлар ўзларининг ошкора ва махфий агентлари келтирадиган маълумотлардан фойдаланиб, одам ҳайрон қоларли даражада таҳлил қилиш ва чоғиштириш қобилиятига эга бўлибгина қолмай, рақибининг фикрини ҳам ўқий олади. Улар ўзларининг бундай уқувини очиқ-ойдин ошкор қилади, деб ўйлайсизми?

Дипломатлардан бошқа кишилар ҳам шундай қиларди. Капиталистик дунёда аксарий телепатларнинг ўз яширин қобилиятини ҳатто энг яқин кишиларига ҳам очиши уларга фойда келтирмаслигига ишончим комил.

Ниҳоят, сўнгги, тўртинчи гуруҳ телепатлар — ўзида бундай ноёб фазилат мавжудлигини пайқамайдиган кишилар.

Чегара заставасида муддатидан ортиқ хизмат қилаётган бир старшина ҳақида айтиб беришгани эсимга тушди. У жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, талабчан командир ва меҳрибон ўртоқ бўлиши билан бирга, контрабан-

дист¹ларни даҳшатга соларди. Биронта учар қаллоб ҳам унинг кўзи олдидан чап бериб ўтиб кетолмасди. Жиноятчиларнинг ҳужжат, олтин, валюта, ман қилинган кўкпори, наша ва атир бекитиб қўйган жойини бир қарашдаёқ топарди.

Старшина контрабандист деб гумон қилинган киши олдига келади. Кўзларига тикилади.

— Чап этигингизни ечинг. Пошнасини кўчиринг...

Ёки:

— Чамадончангизнинг қўшимча таги ташқарисига очиладимиз ёки ичигами? Ҳа, ташқарисигами... Жуда соз! Отвёркани беринг...

Советлар мамлакатининг сарҳадларини ажойиб тарзда қўриқлаётган бу старшинадан контрабандистларнинг энг нозик ҳийлаларини қандай топишини сўрашганида:

— Ўзим ҳам билмайман...— деб жавоб бераркан.— Иш шубҳали бўлса, биринчи қарашдаёқ сезаман ва контрабанда қаерга беркитилганини фаҳмлайман..

Офицерлар чегарачининг ўта сезгирлигига юксак баҳо беришди. Ҳарбий хизматга янги келганларни ундан ана шундай қобилиятни ўрганишга ундашди.

— Тажрибаликни қаранг-а! Тўққиз йил чегарада...— деб қўйишарди.

Менимча эса, бу старшина контрабандистлар фикрини ўқий олар ва контрабанда қаерда яшириб қўйилгани унга дарров аён бўларди. Чегарачи рўпарасида турган одам мовий осмон, маъшуқасининг сузук кўзлари ҳақида ўйламайди, ахир. У албатта бекитиғлиқ контрабанда нарсаларини ўйлайди. Улар ҳақида қанча кўп ўйласа, ўзини шунча кўпроқ ошкора қилади.

Яширилган нарсаларни қидириш — менинг одатий ишларимдан бири. Зотан мен ўз карьерамни болалигимдаёқ,

¹ *Контрабандист* — давлат чегарасидан молларни яширинча, божсиз олиб ўтувчи шахс.



Берлиндаги циркда ана шундай қидиришлардан бошлаган эдим.

Ҳа, бу старшина шуб-ҳасиз, телепат. Лекин у бунга ҳаёлига ҳам келтирмаслиги мумкин. Агар у менинг «Психологик тажрибалар» сеансимга келса, ҳамма қатори у ҳам виждонан, самимий чапак чалар ва ажабланарди... Мабодо бу китоб унинг қўлига тушиб қолса менга ўзининг кейинги ҳаёти, ишлари ҳақида ёзишини илтимос қиламан.

Олдимда қалин бир папка, ичида газеталардан қирқиб олинган материаллар. Советлар мамлакатинда яшаган давримда бундай материаллар жуда кўп тўпланди. Булар — менинг

чиқишларим тўғрисида газетада босилган тақризлар. Ҳозир қайси биридан цитата олишни ўйлаб, уларни диққат билан қараб чиқяпман. Қийин иш. Улар шунчалик бири-бирига ўхшайдики! Фақат бошланиши бошқача. Бунда авторлар ўз таассуротларига эрк беришган, ўз сўзлари билан гапиришган.

Мен бу ерда бир қолипда ёзилган битта тақриздан парча келтираман. Уни ким ёзгани ва қерда босилгани аҳамиятсиз.

Инсон тафаккури оламида

Вольф Мессингнинг психологик тажрибалари.

«Шахмат доскасига энгашган, кўзи боғлиқ киши диққат билан ўйлаяпти. Кейин у ишонч билан бир фигуран олиб, ўрнини алмаштирди, яна бошқасини шундай қилди ва, ниҳоят, хаёлий рақибини мот қилди. Шунини айтиш керакки, «ғолиб» бунгача мутлақо шахмат ўйнамаган!..

Шошма, ҳурматли китобхон, ўйламай хулоса чиқаришга ошиқма. Сен юксак сезги эгаси, анализатор-одам Вольф Мессингнинг «Психологик тажрибалар»и билан танишсанг бунга осонгина ишонасан-қўясан. Рост, Вольф Мессингнинг бир ўзи, ташқи ёрдамсиз рақибини мот қилолмасди. Унга индуктор, яъни фикран буйруқ берадиган, қўлини ушлаб турадиган киши зарур (индуктор психологнинг қўл бармоқларини маҳкам тутиб туради). Бироқ индуктор сеанс вақтида балиқдай гунг, индамайди, у вақтинча кўзини юмиши, қулогига пахта тикиб олиши мумкин.

Вольф Мессинг қўлига тегиб турган индукторнинг фикрини қандай қилиб «билади»? И. М. Сеченов, кейинчалик эса И. П. Павлов мия фаолияти асосида рефлекслар ётишини аниқлашган эди. Шартли рефлекслар туфайли мия доим ўзгаришда бўлган ташқи муҳит билан ўткир ўзаро муносабат ўрнатади... Сиз, масалан, бир минутдан сўнг бўладиган чопиш ҳақида ўйлаяпсиз дейлик, шунда юрагингиз оёқ мускулларингизни қон билан мўл таъминлаб, ҳозирданоқ «гуп-гуп» ураётганини сезасиз... Сиз яқкачўпдан йиқилиб тушмасам эди,— деб юриб боқинг, бирдан оёқ-қўлингиз бўшашиб, қулаб тушингиз ҳеч гап эмас. Турли мускулларнинг бу сезилар-сезилмас ҳаракати (моторика) фикрлар (идеялар)га ҳамроҳ бўлади, бу ҳодисани идеомоторика дейилишининг боиси ҳам шунда. Индукторнинг фикрий буйруғи орқасида организмнинг ана шу сезилар-сезилмас ҳаракати унинг топшириқларини топиш калити ҳисобланади. Айрим томошабинлар Мессинг ҳақиқатда узоқ масофадан туриб ҳам индуктор-

нинг фикрий топшириғини олиши мумкин деб ўйлашади. Бу мутлақо нотўғри фикр... Агар Мессинг олисдан туриб ҳам индуктор фикрини билаётган бўлса, бунга сабаб — индуктор фикрининг ҳаракат органларига ва бутун организм ҳолатига таъсир қилишидир, Мессингнинг эса шу ҳолатни бевосита ҳис қилиш қобилиятига эгалигидир.

Бир неча йил давомида ўз сезгиларини шу йўналишда атайин машқ қилиб борган киши муайян натижаларга эришади. Чунончи, кўзи ногирон кишиларда одатда ҳид билиш, эшитиш ва бошқа сезги органлари беҳад ривожланади. Сезилар-сезилмас ҳаракатдан вужудга келган киши фикрини аниқлаш учун ҳис қилиш ва мускуллардаги сезиш қобилиятини жуда тобига келтириб машқ қилдириш зарур.

Вольф Мессинг ана шундай машқ қилган ва, шубҳасиз, талантли кишилардан ҳисобланади... Масалан, Мессинг, томошабинлардан бирининг: залга ўтиб, ўтирганлардан бирини саҳнага олиб чиқиш, чўнтагидан дастрўмоли ва тартиб рақамлари ёзилган қоғоз парчаларини олиш, шу рақамлардан фақат тўрттасини, яъни Улуғ Октябрь революцияси ғалаба қилган 1917 йилни билдирадиган тўрт сонни танлашдек топшириғини жуда осон, бемалол бажарди. Бироқ Вольф Мессинг тажрибасидан бундан ҳам мураккаброқ вазифалар бажарилгани маълум...

Мессинг тажрибалари аллақандай ғайри табиий, сирли нарса эмас, аксинча, улар инсоннинг психик фаолияти соҳасидаги диний мутасаввуф ва хурофотни ишонарли равишда рад этади. Мессингнинг психологик тажрибалари материалистик табиёт ва марксистик философия нуқтаи назаридан тушунтириб бўлмайдиган ҳеч қанақа ҳодиса йўқлигини яққол кўрсатади.

* * *

«Здоровье» журналининг 1963 йил 3-сонида босилган мақоладан парча келтираман. Бу мақола «Мессинг тажри-

балари ҳақида» деб номланган. Муаллифи профессор Г. И. Косицкий.

«Анча йил бурун мен Вольф Мессинг томошаларидан бирида бўлган эдим. Сеансларни бошқараётган киши ҳар қандай топшириқни ҳам қоғозга ёзиб томошабинлар жюрига узатса Мессинг уни бажаришини эълон қиларди. Ижро тўғрилигини жюри текширарди, Мессингнинг ўзига эса топшириқ кўрсатилган хат керак эмас: у топшириқ мазмунини «фикр узатиш» орқали қабул қиларди.

Аудиторияга жимлик чўкди. Наҳотки, фикрни чиндан ҳам бир кишидан иккинчи кишига узатиш мумкин бўлса? Наҳотки, бунинг учун алоҳида электромагнит тўлқини ёки нурлар мавжуд бўлса?

Буларни мен ўз кўзим билан кўриб ишонгим келарди, топшириқ ёзилган қоғоз узатдим. Топшириқ мураккаб эди: 13-қаторга қўйилган қўшимча стулни саҳнага олиб чиқиш. 16-қаторнинг 10-ўриндиғида ўтирган қиз чўнтагидан иккита гувоҳнома олиб, бирининг номер рақамлари билан иккинчисининг сонини қўшиш. Қизнинг бошқа чўнтагидан эса ўйланаётган миқдордаги пулни олиб, боғлиқ стул олд томонининг чап бурчағига қўйиш.

Мени саҳнага чақаришди. Мессинг қўлидан ушлашимни ва бераётган топширигим устида ўйлашимни илтимос қилди. Проекторларнинг ёрқин нури кўзни қамаштирарди. Мен Мессингнинг қўлини ушладим, у мен билан ёнма-ён турарди. Бирдан у мени орқасидан эргаштириб, залга қараб юрди. 13-қатордаги қўшимча стулни саҳнага олиб чиқди.

Ғалати вазиятни англаб олганимдан кейин уни синая бошладим. Шу вақт Мессингнинг билагини тугиб турган қўлим назоратсиз қолганини сездим. Мускулларимни бўшаштириб, унга бермоқчи бўлаётган тоиширигимни ўйлай бошладим. Четдан қараганда бундай ҳол жуда ғалати кўринса керак. Бир киши жойида тонг қотиб қараб турса-ю, иккинчиси унинг атрофида ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб,

бетоқатланса. Мессинг турли йўналишда ўнлаб аҳамиятсиз, деярли билинар-билинмас ҳаракат қилар, бир лаҳза қотиб қолар, кўзимга тикилиб туриб ҳаммасини яна бошқатдан бошларди. Менинг қўлим қимир этмасди.

— Ўз ҳақингизда ўйламанг! Ўз ҳақингизда ўйламанг!— деди у секин, бўлак нима қилинишини билмасдан. У нотўғри айтди: Мен ўз ҳақимда эмас, балки топшириғим устида ўта қаттиқ ўйлардим, шунга кўра теварагимда нима бўлаётганини пайқамасдим. Шу пайт менинг фикрим бевосита унга ўтмаслигини, у эса топширигимни қўлимда юз берувчи реакция орқалигина идрок эта олишини англадим. Мессинг турли йўналишда ўнлаб тасодифий ҳаракат қилгач бир зум тўхтаб, ҳар бир ҳаракатига қўлимда юз берган ўзгаришни баҳолаб кўрди. Равшанки, у керакли томонга бирданига интилса, мен бундан ўзгача таъсирланаман. У шу интилиш-ҳаракатини давом қилдириб мени кузатаверади. Бу — фикр «узатиш» эмас, балки топишдир.

Мен қўлим ўзгаришларини Мессинг қабул қилаётганини тушундим. Шундайми? У ҳар гал тўғри ҳаракат қилганда, мен билагини сал-пал қисдим. Мессинг жонланди. Керакли томонга ҳаракат қилганида ҳар сафар билинар-билинмас қўл қисишимни сезиб турди.

У 16-қатордаги қизни топиб саҳнага олиб чиқди (бу гарчи топшириқда кўрсатилмаган бўлса-да) ва тагин аллақанча ҳаракатлар қилди. Ҳар гал унинг қўллари қизнинг чўнтак яқинига борганда қўлим унинг билагини секин қисиб қўйганлигидан у чўнтакда нимаики бўлса, барини олиб стол устига қўйди. Кейин ҳамма нарсага бирма-бир қўл тегизиб чиқди, мен ҳам навбат гувоҳномаларга келганда билагини сал қисдим.

Кўз очиб юмгунча гувоҳномалар чеккага суриб қўйилди. Биттасини очиб, сатрлари устидан оҳиста қалам юргиза бошлади. Қалами керакли рақамлар устига келганда тагин билагини қисдим. Иккинчи гувоҳномада ҳам шу ҳол такрорланди. Сўнгра худди шу йўсинда эътиборини пулга

қаратдим ва уни қаёққа қўйиш зарурлигини топишга ёрдамлашдим. У ҳамма топшириқни бажарди, лекин ўзини синаётганимни сира пайқамди.

Ўшанда бери аича вақт ўтди, Редакция журналхоналарнинг хатларига жавоб беришни илтимос қилмаганида балки бу воқеани хаёлимга ҳам келтирмас эдим. Айрим кишилар: одамдан одамга фикр бевосита узатилиши мумкинми? деган ўша таниш саволни беришади. Телепатияга мурожаат қилишади. Мессинг ва бошқаларнинг тажрибаларидан мисол келтиришади.

Мен телепатлар ўтказган тажрибаларни ўз кўзим билан кўрмаганман ва шунинг учун улар ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Мессингга келсак, шуни қатъий айтишим лозимки, унинг тажрибаларида ҳеч қанақанги сир ва тушуниб бўлмайдиган нарса йўқ. Бу тажрибаларнинг телепатияга алоқаси ҳам йўқ.

Бизнинг фикримиз миянинг маҳсули бўлиб, миядан ташқарида ёки умуман моддадан ажралган ҳолда яшай олмайди. Фақат идеалистлар, руҳонийлар фикрни «соф» кўринишда, яъни моддага алоқаси бўлмаган ҳолда мавжуд деб ўйлашади. Киши бошқа бир кишига ўз фикрини узатаётганда фикрнинг сўз, ёзув, белги каби моддий, вазнга эга, кўринадиган, эшитиладиган ташувчиларни узатади.

Физиология фани фикр инсон организмнинг нозик ва ғоят мураккаб нерв фаолияти натижаси эканлигини рад қилиб бўлмас даражада исбот этди. Бу фаолият ҳаракат, имо-ишора, сўз, ёзув кўринишларида намоён бўлиши мумкин...»

Сўнгра профессор Г. И. Көсицкий идеомотор ҳодисалар нималиги, аниқ асбоблар ёрдамида буларни қандай ёзиб олиш мумкинлиги, маълум шаронтларда (чунончи, сўқир одамларда) қабул қилувчи алоҳида нозик қобилият ривожланиши тўғрисида ёзади. У мазкур маълумотларни Сеченов билан Павловдан цитаталар келтириб баён этади, яна давом қилади:

«Табиат ҳар биримизни ҳам жуда катта имконият ва қобилиятлар билан мўл-кўл тақдирлаган-у, лекин улардан кўпчилиги ҳамма вақт ҳам ривожланиб, юзага чиқавермайди. Бу ажойиб имконият ва нодир қобилиятлардан фойдалана оладиган, уларни камол топтирадиган киши Вольф Мессинг қиладиган ишларни бажара олиш мумкин. У қунт билан машқ қилиши орқасида ўз табиий қобилиятларини ривожлантириб, бошқа кишининг кўпчиликка билинмайдиган, фақат махсус сезги асбоблари ёрдамидагина пайқаш мумкин бўлган нозик ўзгаришларини билиб олади. У ҳайрон қоларли хотирага эга бўлиб, сахна, зал, зинапоя ва ҳоказоларни аниқ эслаб қолиши ҳамда кўрлар ўзига таниш жойларда бемалол юра олганидек, кўзи боглоглиқ ҳолда ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, Мессинг тажрибалари — табиат ҳар биримизга у ё бу даражада ҳады қилган нарсага жило берган улкан ва зўр меҳнат натижасидир. Унинг ниҳоятда нозик-нафис иши бизни беихтиёр асир этади, унинг ўз тажрибаларини усталик билан бажариши, аслида, узоқ ва бетўхтов машқ қилиш, беқиёс диққат-эътибор, куч сарфлаш маҳсули эканлигини унутиб қўямиз.

Мессингнинг мана шу улкан меҳнати бизни қойил қилади. Биз Давид Ойстрах ёки Ван Клиберн ижросини бепарво тинглай олмаймиз. Бундай пайтда биз уларнинг ҳар бир ижросига сарф этилган бениҳоя зўр меҳнатни ўйламаймиз, албатта. Ҳақиқий санъат ва истеъдод кучи шунақа бўлади...»

* * *

Бу мақола — менинг телепат эмаслигим, ҳамма нарса сезгиларим ўткирлигидан эканлигини исботламоқчи фикрлар жамулжамидир. Агар муҳтарам профессоримиз бояги биринчи гувоҳнома номери билан иккинчисининг сонини қанақа қилиб қўшишни айтиб турганини тушунтурса, мен унинг мулоҳазаларига қўшилишга тайёрман! Шунини ҳам

айтиб қўлай: Г. И. Косицкий мени синаб кўрганларнинг биринчиси эмас. Тажрибаларни ҳам расмий, ҳам норасмий ўтказишган. Тақдир мен билан учраштирган олимлар ҳамма вақт ҳам — ҳар ҳолда ўз ҳисоботларида — менинг тажрибаларимдаги соф идеомотор механизми гипотезасига сиғмайдиган томонларни четлаб ўтишга ҳаракат қилдилар.

Ҳурматли олимни менга ҳеч қандай сигнал бермаслик йўлидаги барча уринишлар тажрибаларим ўтишини тўхтата олмаганига ишонтиришим мумкин. Шубҳасиз, олим бажаришим керак бўлган топшириқ тўғрисида эмас, балки қўлини қанақа қилиб қимирлатмасликни ўйлаб турса менга ҳалақит берарди. Айни пайтда мана шу фикрни фаҳмладим. Шунинг учун ҳам, индуктор бегона фикрдан қайтиб топшириқ устида ўйласин учун, ундан: «Ўз ҳақингизда ўйламанг» деб илтимос қилдим. Унинг қўл сиқишини, чамамда, сезмадим. Шу туфайли қўл сиқиш менга ҳалал бермади. Сеанс вақтида суҳбатдошим фикрларини ўқишга батамом бериламан ва теварак-атрофимда нима бўлаётганини пайқамайман.

Ишимда менга кўпинча бошқа нарса ҳалақит бериши мумкин. Гап шундаки, мен ҳамма кишиларни ҳам бирдэй телепатик «эшитавермайман». Демокчи бўлганимнинг моҳиятини мутлақо англамайдиган бу «эшитмоқ» феъли учун мени кечиргайлар. Ахир мен ўзгалар хоҳишини хоҳиш билан ҳис қиламан. Ўзгалар ҳиссиётини ўзимшиқидек қабул этаман. Агар индукторим сув ичмоқчи бўлаётганини ҳис қилса, мен ҳам шундай чанқоқлик сезаман. Агар у бароқ мушукни силаётганини тасаввур этса, мен ҳам қўлимда қандайдир бир илиқ ва майинлики ҳис қиламан. Индуктор фикри калламда ўз фикримдек тугилади; бир вақтлар мен ўз фикрларимни индуктор фикрларидан фарқ қилиш учун талай меҳнат қилганман. «Эшитмоқ» сўзининг одатдаги маъноси билан мен бу ерда қўллаётган телепатик маъноси ўртасидаги фарқ ана шундан иборат.

Демак, ҳамма кишиларнинг фикр ва сезгиларини бирдай яхши «эшитавермайман». Баъзилари миямда қаттиқроқ, баъзилари — пастроқ ва учинчи бир хиллари эса шивирлаб «овоз чиқаради». Лекин сеанс вақтида индукторлар танланмайди. Мабодо «паст овозли» индуктор тушиб қолса-де, ёнида бўлак бир киши «қаттиқ» ўйласа, бу ишга анча халал бериши мумкин (мазкур сўзларни мен ўз телепатик маъномда айтяпман). Мени сеанс пайтида кўрган одамлар уларга луқма ташлаб туришимни яхши билишади.

Журналист В. Сафоновнинг матбуотда босилмай қўлимга тасодифан тушиб қолган мақоласида қуйидагиларни ёзади (фақат бир неча абзацини келтираман):

«Бу воқеа ўтган йилнинг кузида Москвада, медицина ходимлари Уйда бўлганди. Ушанда Мессинг бу ерда тўп-ланган врачларга ўз қобилиятини намойиш қилди... Мен жюри составига кириб қолдим, бу эса саҳна ва томошабинларда юз бераётган аҳволни яхшироқ кузатишга имкон берди. Мессинг сеанс охирида индуктор қўлига тегиб турмасдан, ундан фикрий буйруқ олиши керак эди. Жуда ҳам ишонарли бўлсин учун Мессинг жюрининг иккита аъзоси кузатувида залдан чиқариб юборилди. У йўғида бирор нарсани яхшилаб бекитиш, Мессинг эса бу нарсани топиши лозим эди.

Бир оз тортишувдан кейин шунга келишдик: авторучка девор панели қопламаси ичига яширилди. Мессингни залга олиб киришди. Жим-жит залда Мессинг ручкани бекитган қизни жуда тез топди. Уни саҳнага олиб чиқди, рўпарасида туриб кўзларига тикилди.

— Уйланг! — деди унга. — Фикрий образ беринг...

«Мессингни бир алдаб кўрмайми» деган фикр хаёлимдан ўтди. Шу заҳотиёқ уни: «Қизга қулоқ солманг, ручка у ўйлаётган жойдамас, девордан чап томонда, тоқи равоқда» деб ишонтиришга уриндим. Бунда мен ёнлама турган Мессингга қараб (орамиз уч метрдан ошмас эди),

«ручка устуннинг тоқи равогида» деб фикран таъсир қилмоқчи бўлардим.

Чанг жойда ётган олтин пероли қора эбонит ручкани тасаввур қила бошладим. Бирдан шу пайт кутилмаган воқеа рўй берди. Мессинг мен томонга ўгирилиб, жаҳл билан деди (сўзларини ўша чоғдаёқ ёзиб олганман, ўзгартирмай келтираман)

— Бунақа кўп буйруқ бериш керак эмас... Унга чиқиш қийин, баландлик қилади... Катта нарвон лозим...

Мен уялиб, кечирим сўрагандек алланималар дедим. Кейин Мессинг менинг бор-йўқлигимни унутиб, диққат-эътиборини яна қизга қаратди. Бир дақиқа ўтгач ҳалиги ручкани нақ жойидан топганини энди гапирмасак ҳам бўлади...»

Мен бу абзацларни гоҳо хилма-хил бегона фикрлар хори ишимга қанчалик таъсир қилишини сеансларимда бўлмаган ўқувчиларимга тушунтириш учун атай келтирдим. Индукторни «эшитиш» баъзан бирваракайига гапирётган оломон ичидан битга одамни ажратиб олиб, унигина эшитиш билан баравар. У кўпинча жуда «паст овозли» бўлади.

* * *

Ўзгалар фикрини «эшитмоқ» учун мен ҳис-сезги ва ғайратимни бир жойга тўплашим, йигноқ бўлишим зарур. Бу ҳолатга эришиб олгач, исталган одам фикрини амалда телепатик «эшитишим» ва «ўқишим» ҳеч гап эмас. Ҳар қандай фикрни ҳам ўқийман, эшита оламан. Индуктор қўли қўлимга тегиб туриши умум ғала-ғовур фикрлар ичидан ўзимга тегишли битга фикрни танлаб олишга ёрдам беради, холос. Лекин бундай контактсиз ҳам иш тутишим мумкин. Айтгандек, кўзимни боғлаганларида ишлашим яна қулайлашади — бунда мен батамом индуктор кўзига ўтиб оламан. Кўзим боғлиқлигида, залдаги зина ва эшикларни

яхшилаб эслаб қолганимдан эмас, балки индуктор шу пайт ниманики кўрса шуни «кўраётганим» гуфайли, зал бўйлаб бемолол ва эркин ҳаракат қиламан. Одатда кар-соқовлар яхши индуктор бўлишади. Эҳтимол, бу мен бажаришим лозим бўлган топшириқни улар сўзлар билан эмас, фикрда аниқ ва образли тасаввур қилганлари учун шундайдир. Ҳато Томошабинлар холис, дўстона муносабатда бўлганларида ишлаш осон. Уста пианино чалувчи бутун зал уни берилиб, жон қулоғи билан тинглаётганини сезиб, бармоқлари клавишлар устидан энгил бориб келганда худди шундай бўлса керак. Агар у шунда,— ана ҳозир адашса керак, адашади,— каби ғаразлик ҳисни сезса, қўллари қўргошиндек огирлашиб қоларди. Мен ҳам бор кучини тўплаб охиригача адашмасликка ҳаракат қиладиган музикачи сингари, скептик индуктор билан ҳам тажрибани поёнига етказаман. Энг қийини — тажрибани бошлаш. Бу орқали руҳий ҳолат, йиғноқлик синаб олинади. Шу билан жүри ва томошабинларнинг хайрихоҳлиги қозонилади. Шунинг учун мен тажрибаларимни энг осонидан — хат-патдан бошлайман. Кейин эса топшириқ қанча хилма-хил ва мураккаб бўлса, уни бажариш шунча осон ва қизиқарли ўтаверади.

Сеанс вақтида киши ўз кучига тамоман ишонган бўлиши керак. Афтидан, бу — мураккаб ва хавфли ишлар пайтида бўладиган умуминсоний зарурат. Дорвон ҳам дорустидан бир зум бўлса-да, йиқилишини хаёлига келтирмайди.

Тез-тез бериб туриладиган саволга—бошқалар фикрини қандай билишим масаласига қўшимча қиладиганим мана шулар.

* * *

Мен «Психологик тажрибалар» ўтказган сеансларимда бажарган топшириқларимдан бир неча мисол келтираман. Булар ҳаётимнинг турли даврларидан сақланиб қолган.

Мен улардан анча характерлиларини саралаб олдим.

1. Костюмимнинг ўнг ён чўнтагидан 1964 йил календарини олиш.

2. Ундан ноябрь ойини очиш.

3. Бугунги число — 19 ноябрни ўчириш.

4. Костюмимнинг чап ён чўнтагидан фотографиялар солиғлиқ қора пакетни олиш.

5. Фотографиялар орасидан бир қиз билан қўлида пойафзал чўткаси ушлаб турган йигит суратини, қора қўйлакки қиз фотосуратини топиш.

6. Қолган фотографияларни пакетга солиб, аввалги жойига, яъни костюмимнинг чап ён чўнтагига солиб қўйиш.

7. Танланган фотографиялар асосида залдан бешинчи қаторда ўтирган ўша йигит билан қизни топиш ва саҳнага олиб чиқиш.

8. Чап ён чўнтакдан ўйналадиган қарта солиғлиқ пакетни олиш ва қарталарни қуйидагича териш:

а) барча тузларни бир ерга тўплаб, юзини паст қилиб қўйиш;

б) моткалар устки қаторига гиштин, таппон моткаларини жойлаштириш, қарга моткасига бўш жой қолдириш, сўнг чийлик моткани қўйиш;

в) қироллар пастки қаторига: гиштин, таппон қиролларни жойлаштириш, қарга қиролга бўш жой қолдириш, сўнг чийлик қиролни қўйиш.

9. Саҳнага чиқарилган йигит камзулининг чап ён чўнтагидан қарга қиролни ва қизнинг ўнг енги ичидан қарга моткасини олиш.

10. Қарга қиролни моткалар қаторидаги бўш жойга қўйиш.

11. Қарга моткасини қироллар қаторидаги бўш жойга қўйиш.

12. Йигитнинг қўлидан ушлаб қуйидаги фикрий буйруқ-хоҳишини бажо келтириш:

а) менинг (яъни шу вазифани ёзган киши) костюмининг ички ўнг чўнтагидан конверт олиб жюри аъзоларига бериш;

б) В. Мессинг жюри аъзоларидан шу конвертни очиб, ичидаги вазифа пунктларини ўқишни сўрасин.

Г. М. С.

Иркутск ш., 1964 йил 19 ноябрь.

* * *

...Мен тинчликни севаман.

Мессингдан менинг каптархонамга боришини, пиджакнинг ўнг ён чўнтагидан калитни олиб, каптархона эшигини очишни, битта оқ каптарни клуб саҳнасига олиб келишини сўрадим...

Виллен Г. О.

Ангарск ш., 1964 йил 21 май.

* * *

Сиздан севган қизим исмини топишингизни ўтиниб сўрайман.

Унинг исмини шундай билиш мумкин:

1. 11-қатордаги 6-курсида бир қиз ўтирипти. Ундан сумкасини олиб, очиб, ичидаги бирқанча китобчалар орасидан географик «Дунё атласи»ни топиш.

2. Икки учи чиқарилган кўк-қизил қаламни ҳам сумкадан олиб, кўк томони билан шу атласнинг 4 ва 5-саҳифаларида кўрсатилган Совет Иттифоқининг:

а) Новосибирск;

б) Иркутск;

в) Николаев;

г) Олмаота (русча Алма-ата) шаҳарлари тагини чиғиб чиқиш.

Бу шаҳарларнинг бош ҳарфларини ўқиш керак. Улар қизнинг исмини ташкил қилади.

3. «Дунё атласи»нинг сўнгги бети билан муқоваси ўртасида «Янги йилингиз муборак!» деган оқриткалар бор. Шу оқриткалардан хусусан яшил ранглисининг орақасига топилган шаҳарларнинг бош ҳарфидан тузилган ҳалиги исмни ёзиш.

4. Кейин шу оқриткани қизга бериб, уни менинг номимдан Янги йил билан табриклаш.

«Целинэнерго» район энергетика бошқармасининг инженери
Марат Уразоков.
1963 йил 11 декабрь.

* * *

Ўртоқ Мессинг, кўзингизни боғланг. Саҳнанинг чап ёғидаги ўт ўчириш гидранти ичига солдатлар шапкаси тиқиб қўйилган, ичида соат бор. Шапкани соати билан бирга олиб, чапдан 3-дераза олдида турган бир дўстим ёнига боринг-да, шапкани унга, соатни эса кичик стрелка қатор номерини, катта стрелка жой номерини кўрсатиб турган солдатга топширинг, гимнастёркасининг ўнг чўнтагидан калитларни олиб, жюрида сержант олдида ўтирган қизга бериб. Қизнинг ўрнидан туришини илтимос қилинг.

Одий аскар *Васильев А. В.*
Кустанай ш., 1963 йил 5 декабрь.

* * *

1. а) 14-қаторнинг 16-жойи ва б) 15-қаторнинг 2-жойидаги томошабинларни саҳнага олиб чиқиш.

2. Улардан бири пиджагининг ташқи ўнг чўнтагидан газетани, ички ўнг чўнтагидан эса қайчини олиш.

3. Одатдагидек буклоғлиқ газетани кўндалангига қирқиб иккига бўлиш.

4. Жюри столи атрофидаги стуллардан бирини олиб, суянчиғини томошабинларга қаратган ҳолда саҳна четига қўйиш.

5. Ҳалиги қирқилган газета бўлақларини стул суйячигига ташлаб қўйиш.

6. Саҳнага олиб чиқилган бошқа бир томошабин қўлидан папкасини олиб, қулфини очиш: папка ичидан «Спи-дола» радиоприёмнигини олиб, жюри столига қўйиш.

7. Антеннасини чиқариш, сғоз регуляторини (ручкасини чап томонда) энг охиригача бураш; ўнг томондаги ручкасини бураб, музика эшитилишини кутиш.

Вальшонок А. М.

Ленинград ш., 1964 йил 18 февраль.

Булар менга берилган топшириқларнинг энг мураккаблари эмас. Топшириқлар камдам-кам бир-бирини айнан такоррайди. Уларга ўрганиш мумкин эмас.

Аммо мен барча топшириқларни тўла ва аниқ адо этаман.

* * *

Мен бу саҳифаларда телепатик алоқа мавжудлигини исботлаш учун холис тадқиқотчилар келтирадиган барча далиллар устида тўхталмоқчи эмасман. Бундай далиллар орасида минглаб километр наридаги яқин киши вафотини қўққисдан кўнгил сезиши ёки ҳатто аниқ тасаввур қилишлик ҳам ўзаро яқин одамларда бир хил фикрнинг бирданига бир аснода пайдо бўлиши ҳам, биров орқангиздан тикилиб турганида унинг «қарашини пайқаш» ҳам бор. Ленинградлик профессор Л. Л. Васильев «Инсон психикасининг ғаройиботлари» китобида ана шулар ҳақда жуда яхши ёзган. Б. Б. Кажинский ҳам «Биологик радиоалоқа» китобида (УССР ФА нашриёти, 1962) қизиқ фактларни келтиради.

Менга телепатия ўзи нима — узоқ ўтмишдаги аждодларимиздан сақланиб келаётган атавизм¹, ё аксинча келажак кишилари мукаммал эгаллаб оладиган бир хусусиятми, деган мунозарада иштирок этишга тўғри келди.

Биринчи фикр тарафдорлари организм қанча содда тузилган бўлса, унга телепатия шунча зарур деган маънода қатор исботлар келтиришди. Улар, баъзи капалакларнинг ўз яқин жинсини бир километр масофадан туриб билишидек фактни телепатия деб тушунтиришди, ёнма-ён қўниб турган капалакларнинг парвоз учун баб-баравар қанот қоқиши сингари бўлак бир ҳолни ҳам телепатия деб изоҳлашди. Балиқлар тўдасининг бир вақтда тўп-тўп юришини ҳам телепатияга йўйишди.

Лекин организм қанча юксак тараққий қилган бўлса, дейди юқоридаги гуруҳга мансуб кишилар, у телепатияга шунча кам эҳтиёж сезади. Шер бошқа бир шерни унинг бўкиришидан топиб олади. Бўри ҳидга қараб излайди. Она йўлбарс ўзининг келаётганини болаларига оҳиста хуруллаш билан олдиндан маълум қилади. Маймунлар ўз ҳис-ҳаяжонини бир-бирига билдириш, хавф-хатар борлиги ҳақида огоҳлантириш учун гоят ривожланган овозлар системасига эга ва ҳоказо. Кейинги вақтда аниқланишича, худди шунақанги овозлар системасига қарғалар ҳам эга экан... Пода-пода, гала-гала бўлиб яшовчи бошқа ҳайвону паррандаларда ҳам, эҳтимол, шундайдир... Фикр алмашувнинг талай етук воситаларига эга бўлган одамларга эса телепатия янада камроқ керак. Шу гуфайли бу ҳодиса инсонлар одатидан деярли чиқиб, ожиз бир рудимент²га айланган, аммо у баъзан айрим кишиларда бирдан тўла-

¹ *Атавизм* — узоқ ўтмишдаги аждодларимизга хос бирор белгининг авлодда пайдо бўлиши.

² *Рудимент* — организмларнинг эволюцион тараққиёт мобайнида ўз аҳамиятини йўқотган органи, масалан, одамнинг кўр ичак ўсимтаси, дум суяги ва ҳоказо.

мукаммал ҳолда кўриниб қолади. Атавистик хусусият бундайларда тузма бўлади. Шу жиҳатдан у баъзи одамлардаги тузма ҳам ёки бадани жун босган бўлишига ўхшайди.

Бошқа бироналар бунга қарши фикр билдиришади. Сиз келтираётган мисолларни,— дейди улар,— бўлакча изоҳлаш ҳам мумкин. Капалаклар бир-бирини ҳидларига қараб топадилар. Балиқлар тўдаси эса ўз серкаси буйруғини сув оқими қимарлашидан англайди... Телепатия — энди туғилиб келаётган бир соҳа. У нисонларда мавжуд бошқа алоқа усуллари ўрнига ўрин келади. Телепатия ёлгончилик, виждонсизлик бўлишига йўл қўймайди, шунинг учун у одамлар бир-бирини алдаш ҳаёлига ҳам келмайдиган бўлғуси жамиятда асосий ва бирдан-бир муомала, алоқа воситаси бўлиб қолади. Юксак телепатик қобилиятга эга кишилар келажакка мансублар...

Мен бу масалада ким ҳақ, ким ноҳақлигини айтиб ўтирмоқчи эмасман. Аслида капалаклар билан на физиклар ва на телепатлар етарлича шуғулланган. Бионика фан сифатида эндигина тараққий этиб келмоқда. Мен бошқа нарса тўғрисида телепатик хусусият у ё бу даражада ҳар кимсада мавжудлигини гапирмоқчиман. Она ўв чақалоғи нимани боқидиганини сезиб туради, де-йишади. Кўряпсиш, яна дейишади холос. Мен шу вақтга қадар бирон туғруқхонада бир ҳафта ичида осонгина ўтказиб олиш мумкин бўлган жўн тажриба ҳақида илмий ҳисобот эшитганим ҳам, ўқиганим ҳам йўқ. Мурғаклар ётадиган хонада бирор киши бўлиб, ким қачон йиғлай бошлаши, уйғониши ва ҳоказоларни ёзиб олса. Бошқа киши эса туғдирини ва ҳоказоларни ёзиб олса. Бошқа киши, хатти-ҳаракатини палатасида оналарнинг хулқ-авторитажриба натижасини шарҳлаб борса. Ҳар ҳолда бундай тартибни шарҳлаб борса. Ҳар ҳолда бундай ган бўларди.

Очигини айтсам, атавизм телепатиями ёки эртанги кун одамнинг хусусиятими — мени бу нарса унчалик қизиқ-

тирмайди. Мени бошқа нарса таажжубга солади: ҳар ким, қарийб ҳар бир киши ўз ҳаётини бундоғ ўйлаб кўрса, телепатиядан далолат берувчи у ё бу ҳодисани эслаши мумкин. Нега ушбу ҳодиса ўрганилмайди? Нега энди дунё тузилиши тўғрисидаги материалистик қарашга телепатик ҳодисалар қарама-қарши қўйилади-ю, радио эшиттириш ва ҳатто телевидениега келганда тўғри тушунилади?!

Ажабо, ўзини олим ҳисоблайдиган кишилар (мен ҳамма олимлар ҳақида айтётганим йўқ, албатта) ҳар куни турмушимизда учровчи одатий телепатик ҳодисаларни кўрмаётгани (ёки кўришни истамаётгани) мени ҳайрон қолдиради. Бу ўрта асрларда Аристотель таълимотига кўр-кўрона ишонган олимларнинг, кунда чақмоқ чақиб яшин порласа ҳам электр деган нарса мавжудлигига ишонишмаганига ўхшамайдими, ахир?! Уларда бунинг учун тўла асос бор эди. У вақтда яшинни лабораторияда ҳосил қилиш мумкин бўлмаган эди.

Ҳозир ўрта аср эмас-ку, бунинг устига, ўрганилиши зарур бўлган ҳодисани ҳамавақт ҳам лаборатория шароитида текшириб кўриш мумкин. Марҳамат қилинг!



IV

Б О Б

Шу чоққача телепатия тўғрисида гапирдим. Энди гипнозга тааллуқли бошқа бир қобилиятим ҳақида сўзламоқчиман. Мендаги гипноз санъати ҳаммага маълум гипноздан бошқачароқ бўлгандан бу борада индамай ўтишга ҳаққим йўқ.

Гипноз психиканинг телепатияга ўхшаб ҳали текширилмаган соҳасига кирмайди. Бироқ, у ҳақдаги фан ҳали бизга жуда оз танишдир.

Мен гипноз тарихи ва моҳияти тўғрисида тўла тўхталиб ўтирмайман. Фақат гипнознинг узоқ тарихга эгаллигини қайд этаман, холос. Қадимги Мисрдаёқ қоҳинлар гипноздан ўз мақсадлари йўлида фойдаланганлар. У замонларда гипнозда аллакандай сир ва тушуниб бўлмас

нарсa мавжуд эди. Бундан ўринли фойдаланиш кишилар ақлини ҳайратга солиб, илоҳий кучларга ишончни мустаҳкамламасдан қўймасди.

Афсунгарлар рақси — ўз-ўзини гипноз қилишнинг бир тури. Рақсдан кейинги соғайиш эса гипнотик таъсир натижасидир.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган врач Месмернинг машҳур шифобахш сеанслари ҳам гипноз эди. Бу одамнинг гипнотик таъсири шунчалик кучли бўлганки, ҳатто у теккан нарсалар ҳам баъзида «шифо» бахш этган.

Аксарият динларда қабул этилган «Повкаи парвардигор, ўзинг кечиргин» каби оддий, қисқа жумланинг қайтарилиши ҳам аслида одам ўзини гипноз ҳолатига олиб келишига қаратилган. Маъкур жумла юз ва минг марта-лаб такрорланаверса, гипноз ҳолаги бошланади. Бут (икона) қаршисида эгилиб-букилиб сон-саноқсиз марта сажда қилишлар ҳам шунга киради.

Ҳозирги замон фани гипноз уч босқичдан иборат деб кўрсатади. Булардан биринчиси — уйқу босишидир. Гипнознинг шу босқичидаги киши жимжитликни ёқтиради, танаси ғоят оғирлашиб, кўзини очгиси келмайди. Динга ишонувчиларнинг кўпчилиги ана шундай ҳолатда узундан-узоқ диний оятларни тинглашади (оятлар, масалан, католикларда тушунарсиз латин тилида ёки православларда тушунилиши қийин черков-славян тилида ўқилади).

Мен ибодатхонага, айниқса католик черковларига кираётиб, зах гишт ва муздек эҳнапояларда пешоналарини Исо суратли бутга тираб, ноқулай бир вазиятда соатлаб туриб қолишларини кўрганимда, бу шўрликлар гипнознинг гипотаксия деб аталувчи иккинчи босқичида, деган фикр хаёлимдан нари кетмасди.

Гипотаксияда гавда мумдқ эгилувчан ҳолатни касб этади. Гавданинг исталган қисмини мураккаб формага солиш мумкинки, бу шундай ҳолатдаги кишига сира оғир туюлмайди.

Ниҳоят, гипнознинг учинчи босқичи — сомнамбулизм. Бунда гипноз қилинган одам уни шу куйга солган киши буйругидан бўлак бирор ташқи таъсирни сезмайди.

Гипнозчининг сўзи гипноз пайтида киши психикаси ва аъзойи бадани устидан ягона ҳоким ролини ўйнайди. Бунга гипноз қилинувчининг қурби етмайди. Масалан, ёниб турган папирос қўлингизни куйдиришини сезмасликка ўзингизни мажбур қилиб кўрингчи! Мен панлар Польшаси циркларида кўп марта намоёйиш қилинган бундай шафқатсиз тажрибани кузатганман. Ё, аксинча, оддий қаламни чўг сим деб ўзингизни ишонтирингда, у билан баданингиз куйдирилаётганини тасаввур қилинг. Гипноз ҳолатидаги кишининг қўлига бундай қаламни теккизишганда худди куйдиргандагидек яра пайдо бўлади!

Гипноз қилинган пиёнистага ароқдан қайт қилиш таъсири ўтказишди. Мен шу пайт унинг ошқозонини рентген аппарати экранида кузатганман. Гарчи ароқ бўлмаса-да, ошқозон торайиб, гўё ичидаги заҳар-заққумни чиқариб ташлашга интиларди. Оддий ҳолатда ошқозонингизга шунга ўхшаш бирор ишни қилдиrolмайсиз.

Гипноз қилинган кишига:

— Олдингиздаги идишда муздек сув турибди. Унга қўлингизни тикинг. Қўлингиз қотиб қолади,— дейишди. Идишдаги сув 45 градус иссиқ бўлса-да, гипноз ҳолатидаги кишининг қўл туклари ҳўрпайиб, қон томирлари ўта тораьди. Бу махсус асбоблар воситасида қайд қилинди...

Гипнозга олимлар умумий изоҳ топишган. У, мия катта ярим шари пўстлогининг тормозланишидан иборат. Бундай тормозланиш гурли табиий ва сунъий сабаблар натижасида содир бўлади. Жумладан, киши қаттиқ қўрққанида гапиролмай қолади, дейлик. Бунда унинг тили ва ҳиқилдоғи ўзига бўйсунмай қўяди, яъни мия ярим шари пўстлогининг нутқни бошқарувчи қисми бир дақиқа тормозланади. Бироқ янги бир кучли қўзғалиш таъсирида миянинг шу қисми яна ҳаракатга тушиши мумкин.

Гипнозчи ана шундай кучли қўзғатиш ҳосил қилишга қодир.

«Муқаддас» қадамжолар ёки булоқлар туфайли...» деб талқин қилинадиган талай «мўъжизавий шифоланишлар» аини шу ишонтиришга асосланган. Ҳар қалай, гипноз ҳали кам ўрганилган ҳодиса. Унинг хилма-хил кўринишларини фақат мия катта ярим шаръ пўстлоғи қисмларининг тормозланиши билан тушунтириб бериш осон эмас.

Энди гипнозни ўзим қандай қўлланишим, таъсир қилишининг қандай формаларига эга эканим тўғрисида гапирман. Олдинги бобларда мен зумда у ё бу фикрга, у ё бу ҳисга таъсир ўтказиш лозим бўлиб қолган вақтдан бир неча мисол келтирган эдим. Киссамда атиги тўққиз тийин билан, билетсиз Берлин экспрессига кирганим ҳақидаги воқеани эсланг. Кейин юз берган воқеа телепатия эмасди. Бу фикран ишонтириш эди: мен ўшанда контролёрга онгсиз равишда фикрий таъсир ўтказдим — ўзим узатган газета парчаси поезд билети эканига ишонтирмоқчи эдим.

Яна шунга ўхшаш гажрибани анча йил кейин, Советлар мамлақатида, олий мартабали бир одам билан суҳбатлашганимда такрорладим. Биз гаплашиб бўлгач:

— Хўш, ўртоқ Мессинг,—деб қолди у ҳазиломуз,—агар рухсатномага қўл қўйиб бермасам, бу ердан чиқиб кета олармидингиз?

Юрагимда шумлик ҳисси жўш урди:

— Шу қоғозсизми? Уни эсдалиқ учун олиб қола қолинг!..

— Соқчиларни яна бир бор огоҳлантириб қўйишим ҳам сизни довдиратмайдими?

— Бош устига!

Комендатга телефон қилиб, «Мессингни беимзо рухсатномасиз чиқариб юборилмасин», деб буйруқ берди. Секретарга эса ўн қадамча орқада кузатиб бориш, аммо ишим-

га аралашмаслик топширилди. Бир неча минутаёқ кўчага чиқиб, ҳозиргина суҳбатимиз ўтган иккинчи қаватдаги кабинет ойнасига қарасам ҳалиги суҳбатдошим турарди. Бопладимми, дегандек унга қўл силкидим...

Бу фактлар одам гипноз таъсирида ўз ахлоқий маслағи, виждонига зид иш қилолмайди, деган фикрни жуда бўлмаганда шубҳа остига қўяди. Эсимда, шундай тажриба ўтказилганлигини қаердандир ўқиганман: гипноз қилинган кишининг қўлига тўппоича бериб (ўқсиз патрон солинган, албатта), ўтиб кетаётган кишига қараб от, деб буйруқ беришган. Лекин у отолмаган. Бироқ гипноз қилинган кишини ўтиб кетаётган йўловчига эмас, циркдаги тирда ҳаракатланаётган мишенга қараб отяпсан, деб ишонтириш мумкин эди! Мен ҳам контролёрга, аҳтимол, бебилет пассажирни олиб кетавер, қабалида таъсир қилолмасдим, яъни хизмат билан боғлиқ жиноятга йўл қўйишга ундоламасдим. Аммо шу парча қогоз менинг билетим эканига уни ишонтиролдим. Сабаби — ишонтириш бурчга зид бўлмади.

Яна шунга ҳам аминманки, Кремль дарвозаларини қўриқлаб турган соқчиларга: бурчингизни бузиб, нотаниш Мессингни ўтказиб юборинг, деялмасдим ва бу қўлимдан ҳам келмасди: Лекин ўзимни уларга яхши таниш бўлган бошлиқ қилиб кўрсатиш (ишонтириш) ҳамирдан қил суғургандай ҳеч бир қийинчилик туғдирмади.

Менинг ахлоқий принципларим бу ерда келтирилган воқеалардан бўлак ҳолларда бирор кимсани ўз хизмат бурчини бузишга мажбур қилиш учун ишонтириш қобилиятдан фойдаланишимга йўл қўймаган. Бироқ мустақкам ахлоқий принципларга эга бўлмаган одамлар ҳам учраб туради.

Бир вақтлар Европа мамлакатларидан бирида катта шов-шувга сабаб бўлган воқеа ҳақида сўзлаб берай. Бу — буржуа оламида тез-тез учраб турувчи банк ўғирлашларидан бири.

Сейфлар сақланадиган бино ер остида. Унга олиб тушадиган ёлғиз йўл қоровулхонадан ўтарди. Бу хона эшиги олдида кечаю кундуз соқчи турар, қолган қоровуллар эса шу ернинг ўзида қарта ўйнар ё шунчаки дам олиб ётишарди.

Кунардан бир кун кечқурун банк ёпилиб, сейфлар одатдагидек муҳрланди ва кассирлар уй-уйларига жўнашди. Шундан сўнг сейфлар турган бинога кирган бирдан-бир киши полларни артадиган чол бўлди. У аввал қоровулхона полларини, кейин сейфлар турган бино полларини артди. У ердан чиқаётиб, ҳар кунгидек мастика солиғлиқ яшик устига ўтириб, папирос чекди, кейин ташқарига чиқиб кетди. Эртасига эрталаб сейфлардан бирини кимдир очганлиги маълум бўлди.

Пол артувчи чолдан биров шубҳа ҳам қилмади. Уни фақат чегарадан яширинча ўтиб кетмоқчи бўлгани учун ушлаб қамоққа олишди. Кейин аниқланишича, пулни у ўғирламаган экан. Баён этилаётган воқеадан икки кун бурун қандайдир бир шахс шу чол олдига келиб, агар у мамлакатдан чиқиб кетса, катта пул беришини ваъда қилипти. Чол буни ҳеч кимга айтмай-билдирмай, рози бўлипти, лекин чегарадан ўз вақтида ўтиб кетолмапти.

Шундай қилиб, ҳалиги ўғри икки марта кечки пайт келиб (биринчи кун и балки вазиятни ўрганиб) банкни кўздан кечирган, солдатлар даврасида бўлган ва соқчилар ёнидан ўтиб-кейтиб юрган, кейинчалик эслашларича, гарчи унинг кўриниши пол артувчи чолга мутлақо ўхшамаса-да, ҳамма уни ўзлари кўриб, кўникиб қолган одамдек қабул қиларкан. Бу ҳодисани қандай изоҳлаш мумкин.

Мен буни юқорида ҳикоя қилганим — бир зумда гипноз қилиш ҳодисаси қаторига қўшаман. Кўряпсизки, жиноятчи гипноздан ўз мақсадларида фойдалана олган.

Ишончим комилки, у соқчиларга сейфлар ёнига бегона кишини қўйиб юбориш фикрини ўткази олмасди, чунки бундай ишонтириш бурчга қарама-қарши бўлиб чиқарди.

Соқчи ўз рўпарасида азалдан таниш одамани кўрётгандек қилишга ишонтариш эса қаршиликка дуч келмайди.

Мамлакатимизда гипноз билан шугулланиш ҳуқуқи махсус қарорлар билан чеклаб қўйилганини жуда тўғри деб ҳисоблайман. Бироқ гипноз тўғрисидаги ҳақиқатни ҳамма билиши зарур.

Энди халқ медицинаси ҳақида қисқача сўзлаб ўтаман. Сизга қанчалик таъсир қилганини билмайман, аммо менга Бруно Ясенскийнинг «Киши қиёфасини ўзгартирмоқда» китобида илон қақиб олган комсомол Сафар Акваровнинг ўлими тасвирланган боб ғоят қаттиқ таъсир қилди. Ҳақиқат чўлда, темир йўл қурилишида содир бўлади. Доктор чақиришнинг иложи йўқ. Ёру биродарлари беморни табибга — шу ерлик дуохон олдига олиб боришни таклиф этишади. Сафарнинг ўзи бунга кўнмайди: комсомол одам дуо ва афсун билан даволайдиган дуохонга мурожаат қилиши мумкин эмас, дейди.

Комсомолнинг принципааллиги менга ёқади, лекин шу билан бирга унга жонинг ачийди. Дуохон табиб Сафарни тузатар, ҳеч бўлмаганда, ўлимдан сақлаб қолади.

Асрлар мобайнида қатра-қатра йиғилган халқ донишмандлиги ғоят асосли материалистик негизга эга. Мен унга гипнознинг бир кўриниши деб қарайман. Бироқ бу нарсанинг моҳиятини тузукроқ изоҳлаб беролмайман...

Шунақанги дуохон табибларнинг қорақуртни «авраш»и ҳақида балки сиз ҳам ўқиган ёки эшитгандирсиз. Мана, қорақурт ёки илон чақди, бадан зирқираб оғриб, кўкариб шиша бошлади дейлик. Шунда авровчи жароҳатга энгашиб, «куф-суф» деб алланималарни ўқийди... Оғриқ бирдан босилади!

Илон чиққан киши ким бўлишидан қатъи назар — диндорми ёки ҳар қандай диний таомилга шубҳа билан қарайдиган одамми — барибир, оғриқ тўхтайдди. «Гапириб авраш» деган ибора ҳали тиш докторлари бўлмаган эски вақтлардаёқ Польша, Белоруссия ва балки Россия қиш-

лоқларида тарқаган. Одамларнинг тиш оғриғи уларни гапириб авраш, чалгитиш йўли билан тузатилган. Аслида, одам ана шу оғриқни сезишни унутган, холос.

«Авраш» ҳам, «куф-суф» ҳам бор-йўғи бир неча секунд давом қилади. Ажабланарлими? Ҳа. Аммо бунда ҳеч қандай мўъжизавий нарса йўқ! Бу ҳам, балки, гипноз кўринишларидан бўлса керак.

Мен буни шу қадар ишонч билан, билгандай гапиришимнинг боиси шуки, ўзим ҳам тиш оғригини тўхтатиш, бош оғригини ҳайдашда унақа-бунақа азайимхонлардан қолишмайман. Бундай ишларни минг марталаб қилганман. Мен шу ишни фақат афсун ва пичирлашсиз бажараман. Улар керак эмас. Мен пациентга тикилиб туриб, ўзимнинг оғримаётган жағим ва соғ тишимни ўйлайман. Шу аснода бемор билан оғриқ ҳақида гаплашаман. Тиши оғришдан тўхтади. Бу — сиз ушбу сатрларни ўқиган вақтингизча вақтни олади.

Лекин менга ҳам, дам солувчига ҳам мурожаат қилиш керак эмас, албатта. Чунки мен оғриғингизни қолдириб, врачга кўрсатишингиз зарурлигини унутдиришим мумкин. Оқибатда сиз вақтни қўлдан бой бериб, тузатилиши мумкин бўлган тишингиздан ажраб қолишингиз ҳеч гап эмас. Азайимхон беморни оғриқни сезмасликка мажбур қилса, врач оғриқ пайдо бўлиш сабабларини йўқотади.

Мен ҳозир таъсир қилишнинг яна бир камёб ва тўла ўрганилмаган хили тўғрисида гапириб ўтмоқчиман.

Куприннинг «Олеся» номли ажойиб, шоирона қиссаси эсингиздами? Мен ана шу қиссадан айтмоқчи бўлганимга алоқадор бир парчапи келтирмоқчиман.

«— Сизга нима кўрсатсамикин-а?— ўйлаиб қолди Олеся.— Ҳўп, майли, жуда бўлмаса шуни кўрсатай: Сиз менинг олдимда йўлда кетаверасиз... Бироқ, айтиб қўяй, ордангизга қайрилиб қарамайсиз.

— Бу қўрқинчли эмасми?— бепарво кулиб сўрадим,

қандайдир кўнгилсиз нарсани чўчинқираб кутаётганимни билдирмасликка интилиб.

— Йўқ, йўқ... Ҳеч нарса эмас... Қани, юринг.

Мен мазкур тажрибага беҳад қизиқиб, ортимдан Олесянинг қадалиб қараб туришини ҳис қилганим ҳолда олга юрдим. Аммо йигирма қадамча бориб, бирдан тел-текис ерда қоқилаб, юз тубан йиқилдим.

— Юринг, юринг! — қичқирди Олеся. — Орқангизга қараманг! Бунинг ҳечқиси йўқ, тўйгача тузалиб кетади... Йиқиладиган бўлсангиз қўлингизни ерга маҳкам тираб олинг.

Мен яна юрдим. Тагин ўн қадам босишим билан, иккинчи маротаба чалқанча йиқилдим.

Олеся хохолаб, чапак чалиб кулди.

— Қандай қилиб, сен...?— ҳайрон бўлиб сўрадим ундан...

— Сир эмас бу. Бажону дил сўзлаб бераман. Фақат тушунмассиз деб қўрқаман, холос... Тушунтириб беролмайман...

Мен чиндан ҳам уни унчалик тушунмадим. Лекин янглишмасам, ўзига хос бу фокус шундай: қиз орқамдан изма-из, қадам-бақадам оёқларим кўчган жойга оёқларини ташлаб, тикилганча, қандай ҳаракат қилсам — ҳатто майда-чуйдаларигача такрорлаб — тақлид қилади. Шундай ҳолда у бир неча қадам юриб, фикран мендан сал нарида баландлиги бир газ келадиган арқон тўсиқни тасаввур қила бошлайди. Тасаввурдаги ана шу арқонга оёгим тегадиган дақиқада Олеся бирдан йиқиладигандек ҳаракат қилади ва унинг айтишига қараганда, энг бақувват одам ҳам шунда албатта ағанаб тушади... Мен оддий халқ орасидан чиққан француз афсунгарлари ҳам худди шундай пайтларда бокира Полесс жодугари маҳоратини қайтаришини кўриб, ҳайратда қолдим».

Шунга ўхшаган ҳодисани Лион Фейхтвангер ҳам ака-ука Лаутензаklar ҳақидаги мен юқорида эслатиб ўтган

романида ҳикоя қилади. Оскар Лаутензак билан Пауль Крамернинг ресторандаги учрашувини, учрашувнинг сўнгги дақиқаларини эсланг: талантли, ақлли журналист ресторандан чиқиб кетолмай, айланиб турувчи эшикда давдираб қолади ва уни бу ноқулай аҳволдан швейцаргина қутқаради... Ёзувчилар ўз кўзи билан кўрган ва тасвир этган бу нақа кўп воқеаларни сўзлаб бериш мумкин. Бундай воқеалар олимлар тарафидан илмий таҳлил қилинганлигини ҳеч қаерда тополмайсиз.

☞ Мен шу ерда мунозарали бўлса ҳам бироқ жуда ўринли бир фикрни ўртага ташлашга журъат этаман: олимларимиз дунёнинг ўзи каби кўҳна халқ донишмандлиги — азайимхонлик, табибчиликка доир маълумотларни тўплашлари, таҳлил қилишлари керак.

Уша халқ тиббиётидан саводсиз дуохон-у, жаҳолатда яшаган қишлоқи табиблар тажрибасидан шифобахш гиёҳларни ҳозирги замон фармацевтика каталогларига озмунчаси келиб кирмадими? Халқнинг сир-синоатлари, рецепт ва усуллари йирик саноатимизга озмунча кўмак бермадими? Асрлар бўйи наслдан-наслга ўтиб келувчи қанчадан-қанча нарсалар уларни билган охириги киши оламдан ўтиши орқасида унутилиб кетган.

Қадимги шарқ темирчилари ясаган пўлат шамширлар баъзи музей витриналаридан қора нақшлари билан ялтиллаб кўзга ташланиб қоладик, улардаги пўлат таркиби ҳануз тўла аниқлангани йўқ. Деҳлида зангламайдиган темирдан ясалган устулар бор. Хўш, мангу зангламас қилиб тайёрланадиган замонавий пўлат қани?

Кўҳна Миср санъаткорлари ишлаган мум, бўёқлар абадий янгилиги билан кишини тонг қолдиради — булар тўғрисида ҳам бизга кўп парса маълум эмас... Халқ тиббиёти сирлари беиз йўқолмаслиги учун, гипнознинг қандайдир нотаниш, кам тарқалган турларини унутиб юбормаслик учун олимлар фолбин ва табибларнинг ҳам сехрлари сирини билиб олишлари, ҳозирги замон билими

асосида уларнинг уддабурроликларидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беришлари лозим. Қадим замонлардан буён келаётган бу улкан фактни — фақат бидъат ва Фирибгарликдан бўлак нарса эмас деб ўйламаслик керак.

Хўш, ҳатто кўпайтириш жадвалидан беҳабар бу авом халқ бизга нимани ҳам ўргатиши мумкин, дейишади баъзи бировлар... Бу иккиси бутунлай бошқа-бошқа нарса. Бир нимани удалаш, қойил қилиш учун баъзида билимли бўлиш шарт эмас. И. М. Сеченов, И. П. Павлов таълимотлари юзага келмасдан олдин ҳам гипнозчилар бўлган.

Қуруқдан-қуруқ рад этиш ўрнига, текшириш, тушуниш ва изоҳлаб бериш лозим. Мана бу — хурофотга қарши курашнинг энг яхши усули бўлади.

Лекин буларнинг менга бирор алоқаси борми? Алоқаси бўлганда қандоқ. Ахир мен ҳам бирон кишининг орқасидан гардонига қараб туриб ёки умуман қарамаёқ, унга ўз фикрий таъсиримни ўтказа оламан.

Мен бу ҳунаримни аҳён-аҳёндагина ишлатаман. Хотирамни бир-бир варақлаб, ҳаётимда содир бўлган воқеалардан мисол излайман. Москвадаги битта министрликнинг муҳташам биноларидан бири, кичикроқ шинам зал. Томошабинлар шу муассаса ходимларидангина иборат. Уларнинг елкаларида генераллик погонлари. Мен саҳнадаман. Ҳамма иш жойида. Генераллар мен кўрсатётган тажрибаларнинг моҳиятини тушунишга астойдил, самимий ҳаракат қилишяпти. Мен ҳам улар англаб етишлари учун астойдил ва самимий урнияпман... Бир вақт залга шу ердагиларнинг энг катта бошлиғи кириб келди. Ҳамма ўрнидан туриб салом берди. Бошлиқ бўлса алик ҳам омай, менга томон шубҳаомуз келарди. Шу чоқ унга ўгирилиб:

— Мана энди ўзингиз менга индуктор бўласиз! — дедим. Кейин мен бошлиқ орқасидан юрдим-да, уни бир оёқда сакратганча, зални айланиб чиқишга мажбур қил-



дим. Бошлиқ стуллар орасидан, саҳнага, биз томонга шоша-пиша чиқиб келган кичик лавозимдаги офицерлар ёнидан ҳаққачоқлаб ўтарди...

Бу гипнозми? Ҳа, шубҳасиз. Олеся билан Оскар Лаутензаклар ҳам ана шунга ўхшаш қобилиятга эга эдилар.

Мен ўзимнинг гипнозчилик қобилиятимдан илгарилари руҳий касалларни даволашда фойдаланганим ҳақида ҳам гапириб ўтай. У вақтда мен гипнознинг моҳиятини тушуниб етмас, илмий тавсияномаларим ҳам йўқ эди, фақат вазиятга қараб ўз ақлим етганча иш тутардим. Эҳтимол, бу сўзлаётганларим мутахассислар эътирозига учрар; эҳтимол, нотўғри хатти-ҳаракат қилгансан, деб менга таъналар қилишар, аммо бўлган нарсани бўлган дейман-да.

Бир поляк графида ғалати психик касаллик бошланган (бу панлар Польшаси даврида бўлган эди). Графнинг назарида, калласига... каптарлар ин қўя бошлаган.

Врачларга мурожаат қилишган. Бироқ граф даволанишдан бош тортган — у операция қилишга ундашяпти, ҳойнаҳой калламни қоқ иккига ёришади, деб ўйлаган. Шу вақтда менга илтимос билан келиб қолишди.

Хаста билан гаплашсам — фикри яхши, мен унга ундай қиламан-бундай қиламан деб ўтирмадим. Аксинча, шу келишимдаёқ бир йўла сепояга ўрнатилган узун ялтироқ труба ҳам олиб келгандим. Унинг галати гилдирак ва винтчалари бўлиб, кўчма телескопга ўхшарди. Асбобни нақ бемор рўпарасига қўйиб, трубасидан қарадим.

— Ҳа, граф,— дедим унга,— сиз ҳақсиз. Миянгизда каптар ини бор. Жуда катта.

— Шундай эканига шубҳаланияпманми? Кечаю кундуз қанотларини патиллатишади... Бир вақт улар олдига мушук келиб қолди. Ана ўшандаги тўполонни кўрсангиз! Мен каллам ёрилиб кетадими дедим...

— Бу тентак паррандаларингизни ҳайдаб юборишим, ҳайдаганда ҳам қайтиб келмайдиган қилиб юборишим мумкин...

— Ғоят миннатдор бўлардим...

Трубадан яна бир марта қараб «каптарларни санадим», қандай қилсам каптарларни ҳайдай олишни «хомчўт» қилдим-да, уйимга қайтдим.

Эртаси кун граф тонг саҳарлаб менга одам юборипти.

— Каптарлар чиқишди,— деди у деярли қувониб.

Яна труба ишга солинди — айтмоқчи, унинг кўриш учун ойнаси ҳам йўқ эди. Каптарлар ростдан ҳам келар экан... Эртаси куни графнинг калласини каптарлардан қатрон қилиб тозалаш тайинланди. Беморнинг қариндош-уруглари билан олдиндан келишиб олиб, унинг боғига учта ёрдамчимни киритдим. Уларнинг қўлида биттадан каптар бор эди. Графнинг кўзини боғлаб, пастга олиб тушдим. Менинг ишорамга биноан, ёрдамчиларимдан бири қўлидаги каптарни қўйиб юборди, мен бўлсам бемор кўзи олдида тўппончадан унга ўқ уздим. Сўнг чўнтагимда олиб

борган ўлик каптарни чиқариб, графнинг қўлига бердим.

— Биттаси тайёр бўлди,— дедим унга,— агар уни отмаганимда яна қайтиб келиши мумкин эди. Энди тамом...

Тагин икки марта шундай қилдим. Кейин беморга кўзини ечишга ва очиб ўтиришга рухсат бердим. У нақ олдимда ўз қўли билан жонсиз қушларни боғнинг бир чеккасига кўмди.

Графнинг калласи, бир неча йил давомида бир таниши унга сир-синоатни айтиб қўйгунга қадар, топ-тоза бўлиб турди. Таниши: ўртоғим батамом тузук бўлиб кетган-ку, деб хом ўйлаган экан. Ҳақиқатни эшитиб қолиб, граф дод деб бошини ушлаб қолипти... Шу-шу каптарлар яна графнинг калласига жойлашиб олиб, у оламдан ўтгунича нари кетмапти. Менингча, беморни иккинчи марта даволаш чораси йўқ эди.

Бу нима? Фирибгарликми? Йўқ. Бу — гипноз, ишонтириш. Бемор тушунчасига мос чоралар билан унинг ҳас-талигини йўқотган эдим. Аниқроғи, уни касал эмаслигига ишонтиргандим... У ҳам менга қалбини тутқазганди, ишонганди. Мен гипноз йўли билан ичкилик, папиросдан, умуман тамаки тутунидан ва бошқа гиёвандлик нарсаларидан жиркантира оламан. Лекин бошдан айтиб қўяй: буни касб қилиб олган эмасман.

Даволашимни илтимос қилиб олдимга келиш ўринсиз. Агар сиз ичишни ташламоқчи бўлсангиз — қайтиб ичманг, вассалом. Мабода ичмасликка кучингиз етмаса, врачларга мурожаат қилинг. Уларда ҳозир бориб турган пиёнистани ҳам даволаш воситалари бор... Агар чекишни ташламоқчи бўлсангиз — қайтиб чекманг, вассалом. Оламда бутун ирода кучини ишга солиб бир йил мобайнида чекмасдан туроладиган киши йўқлигига асло ишонмайман. Кейинчалик озгига папирос олса ҳам, бу унга ҳузур бағишламайди.

Мен баъзи одамларда ичкиликдан жирканиш ҳисси уйғотганимда ўзим кейин бир неча ойлаб спирт ҳидига

тоқат қилолмаганман. Бу жирканиш аввал менда пайдо бўлиб, сўнг уни васийлигим остидаги беморга ўтказишим мумкин.

Мен белгилаган даволаниш муддати тугаганда винодан жирканишим ҳам йўқолади. Аммо мен даволаган кишида бу ҳис анча йилларгача сақланиб қолади. Ундан у ёгига ичишни буткул ташлаб юбориш масаласи унинг ўзига боғлиқ.

Мен кўп чекаман. Бироқ тамакидан жиркантириш сеанси бораётганда чекмайман, бундай пайтда сал бўлса ҳам папирос тутунини ёқтирмайман.

Гипноз ҳақидаги бор гапим ана шу. Лекин мазкур саҳифаларда қайта-қайта айтиб ўтилган фикрни яна бир бор такрорламоқчиман. Гипноз — гоят кам ўргатилган соҳа. Уни ўрганиш эса бизга ажойиб имкониятлар очиб бериши мумкин.

ХОТИМА

Бугун менинг дам олиш куним. «Психологик тажрибалар» гастролим тугади, навбатдаги саёҳат бошланишига бир неча кун бор. Ҳозир уйдаман. Мен бугун Вольф Мессинг эмас, Вольф Григорьевичман, холос. Оддий одамман. Мен Москванинг янги районларидан бирида истиқомат қиламан. Эрталабки сайрдан қайтаётиб, почта яшигидан газеталарни оламан. Диванга ўтирволиб, уларни бирма-бир варақлайман. Китобхон, дам олиш кунингизда сиз ҳам балки худди шундай қилсангиз керак. Ҳаммага ўхшаб, мени ҳам бир хил хабарлар ҳаяжонга солса, ҳафа қилса, иккинчи бир хиллари хурсанд қилиб, илҳомлантиради. Ҳозирги замон кишиси бутун ер курраси ҳаёти билан бирга нафас олади, фан ва техника уни шу даражага етказган.

Менинг бўш вақтларим — дам олишга, яъни журналда чиққан бирор қизиқ қиссани ўқиш, янги тажрибалар устида бош қотириш, тўрт оёқли дўстларим яъни лайчалар билан ўйнашга бағишланган соатлардир. Ушбу китоб ҳам ана шундай дақиқаларда ёзилди.

Мен театр санъатининг драма ва операдан тортиб цирк ва эстрадагача бўлган барча турларини яхши кўраман. Машҳур актёрлардан Шаляпин, Михоэлс, Вергинский ва бошқалар билан таниш эдим. Илгарилари ҳар бўш оқшомимни театрда, концерт ва циркда ўтказардим. Ҳозир эса бунинг ўрнига кўпинча телевизор олдида ўтираман.

Эртага яна томоша кўрсатишим керак. Эрталабдан бошлаб кучларимни йигишим, фикру хаёлимни бир жойга тўплашим лозим... Қайтадан Вольф Мессинг бўлмоғим шарт. Бу осон эмас!